

38.96
382

Рустамжон Умматов

САМАНДАР



Рустамжон Умматов

САМАНДАР

(Ёнгин ўчирувчилар
ҳаётидан лавҳалар)



«Наманган» нашриёти,
2007 йил

Олов аввалда эзгулик эди. Агар унинг жилови яхшилар қўлида бўлса, бугун ҳам эзгуликдир. Аммо ...

Олов – тилсиз ёв. Эҳтиёт лозим. Унутмангки, у ёмонлар қўлида қурол бўлмоғи ҳам мумкин. Кўлингиздаги китоб Сизни огоҳликка чорлайди, азиз ўқувчи!

НГ 609-1335,86-1245300 2007
610-5,0-(02)-07

© Умматов Рустамжон.
© «Наманган» нашриёти.

АЛАНГАЛИ ВАХТАДА

Барқарор осойишталик мамлакатдаги фаровонликнинг асосий шартларидан биридир. Бу борада ёнғин хавфсизлиги хизматининг алоҳида ўрни бор. Чинакам баҳодирона касб эгаси бўлган ёнғин ўчирувчилар табиат стихияларига қарши курашда, қутқарув ишларида ҳамиша сафларнинг аввалида бўладилар. Улуг айёмлар, байрамлар, йирик оммавий тадбирлар кўнгилли ва бехатар ўтаётган экан, бунда ана шу беором қалб эгаларининг муносаб ҳиссалари бор, албатта.

Ёнғин, тошқин, террор - буларнинг мохияти инсон хаёти ва моддий неъматларга тажовуздан иборат. Оқибати эса вайроналик, ўлим ва айрилиқдир. Ана шундай тажовузларнинг ҳар қандай кўринишида ёнғин ўчирувчилар ҳозиру нозир.

Вилоятимиз ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг кундалик ҳаётида бунинг мисоллари жуда кўп. Шуниси борки, улар ҳам ўтга, ҳам сувга қарши курашадилар. Керак бўлса, совукнинг ва иссиқнинг хуружига қалқон бўла биладилар. Бу жанговар хизматлар учун миннатдор кишиларнинг «раҳмат», «ташаккур» деган сўзлари ёнғин ўчирувчилар учун юксак мукофот.

Алангали вахтада ҳамиша сергак турадиган соҳамиз ходимларининг жасорати кўзга ташланавермайди, ҳадеганда тилга олинмайди ҳам. Аслида «01» ракамли телефонга тушган ҳар бир ташвишили кўнғироқдан сўнгти сафарнинг ўзи битта китоб бўла олади. Шундай ходимлар борки, уларнинг олов билан олишиб ўтган жанговар фаолияти бутун бир қисса. Таассуфки, ёнғин ўчирувчилар жасоратини қаламга олиш кам, вилоятимизда эса йўқ ҳисоби.

Тақдим этилаётган «Самандар» китоби Наманганда бу борадаги дастлабки қадамдир. Бош каҳрамон ўқувчига жуда ҳам таниш: орамиздаги оддий ва камтарин **ЁНҒИН ЎЧИРУВЧИ**. Ўйлаймизки, матонатли касб соҳиблари ҳакидаги лавҳалар ўқувчиларни бефарқ колдирмайди ва уларда ёнғин ўчирувчиларнинг жанговар хизматларига бўлган хурмат тағин ҳам ортади.

Бойназар Дедабоев,
вилоят ИИБ ЁХБ
бошлиғи, подполковник.

САМАНДАРГА ЎХШАШ ОДАМЛАР

Самандарни бир китобда махлук дейилса, бошка манбада ғаройиб қүш деб таърифланади. Афсонага караганда, у ўт-олов ичида туғилади, оташда яшайди. «Самандар-мангу ҳаёт тимсоли, у абадул-абад завол тоғмайды, қиёматтагача барҳаёт» дейилади эртакда.

Бундай афсона европаликларда ҳам бор. Улар Самандар әмас, Феникс деб аташади. Феникс чўғдан яралган, қалбларга учкун улашади, юракларни ёндиради. Қариб-картайгач, ўз учқуни билан қанотларини куйдириб адo қилади. Мўъжиза шундаки, кейин кул орасидан товусдай рангин, баҳордай гўзал, йигитдай навқирон Феникс-Самандар тагин учиб чикади. У яна юракларга эзгулик ва олов улашишда абадий давом этаверади.

Бу жонзотнинг ғаройиб фазилати ижод ахлини ҳам бефарқ қолдиrmаган. Шарқ ва ғарб санъатида, хусусан, адабиётда Самандар-Феникс кўп тилга олинган образлардан бири. Жумладан, ҳазрат Навоийдан тортиб шу кунгача ўзбек шеърияти ҳам ушбу абадият сиймосидан мустасно әмас. Далил ўрнида кўплаб сатрларни келтириш мумкин эди. Аммо сўзни муҳтасар килмок тилагида икки байтгина мисол:

Улки ул куллардин ахгардек чиқиб,


Балки ахгардин **самандардек** чиқиб.

(Алишер Навоий).

Қилсан фароғат әмди, даҳр ичра йўқ таомил,
Куйдим ғанингда, модар, охир бўлиб **самандар**.

(Файзибibi).

Алқисса, олов билан жанг қилиб, ҳамиша ғолиб кела-
диган, аланганинг ҳамласию лахча чўғнинг домидан дам
емайдиган ёнғин ўчирувчилар ўша Самандарга жуда
ўхшайдилар...



Енгин хавфсизлігі хизматы үтган асрнин 20-йилларидә шундай күришиңда бўлиб, ўт үчирувчи боболаримизнинг ишонган бор-йўқ улови от-арава эди.

ОЛОВБАРДОР ПРОМЕТЕЙ

Биз учун ҳеч таажжуби йўқ фосфорли гугурт 19-асрда мўъжизадай гап эди. Унгача ўт ёқмоқчи бўлган инсон минг бир куйга тушган. Бугун бир харакатдаёқ "пов" этиб аланга оладиган ўша гугурт ёнимизда бўлмаса, ўт ёкишга уриниб ҳам ўтирумаймиз. Аждодларимиз бу «мўъжиза»ни билмасдиларки, нима қилиб бўлса ҳам гугуртсиз олов ҳосил килишган.

Юононларнинг Прометей хусусида қадимий афсонаси кўп машҳур. Бу ҳақда антик дунё драматурги Эсхилнинг учта асари бор: "Занжирбанд Прометей", "Халос этилган Прометей" ва "Оловбардор Прометей".

Нақл қилинишича, Зевс (бош маъбуд) одамзоданинг уруғини қуритиб, янги бир насл яратишдан иборат кора ниятини амалга ошириш ҳаракатида. Бу ғараз қархисида инсонлар ноилож ва ҳимоясиз. Прометей бундай ҳақсизликка тоқат қилолмайди ва Олимп меҳробидан муқаддас оловни одамларга келтириб беради. Афсонада башариятнинг буюк дўсти макомида мадҳ этилган Прометей инсонга уйжой қуришни, дехкончиликни, ўқиши-ёзишни ва бошқа турли-туман ишларни, касб-хунарларни, эзгуликларни ўргатади. Энг муҳими шуки, у кишиликни оловдан қандай фойдалапишиш сир асрорлари билан таништириди.

Бироқ Прометейнинг исён ўрнидаги бу жўмардлиги Зевс ва бошқа маъбудларнинг қаҳрини келтирди. Фанимлар оловбардор титаннинг оёқ - қўлига кишан уриб, биёбондаги токка занжирбанд қиласидар ва қўксидан қояга михлаб ташлайдилар. Ёз чилласида офтоб уни кабоб қилиб куидиради, баҳор ёмғирларида, кузнинг бўронларида, кишининг изғириналарида у чеккан азоб-укубатларнинг ҳад-хисоби йўқ.

Боз устига Худонинг берган куни одамхўр бир бургут олислардан учиб келади-да, шўрлик титаннинг кўксига қўниб, корнини ёради ва жигаридан узиб-юлқиб ейверади. Прометей шу қийнокларда ҳам бир марта "их" демайди. Қуёш ботгач, бадбаҳт бургут маконига қайтади, оловбардорнинг жароҳатлари битиб, жигари асл ҳолига келади. Аммо тонг отиб, офтоб куйдира бошлиши биланок конхўр

бургут тағин пайдо бўлиб, муштдайгина жигарни тилка-пора килишда давом этади. Шу зайлда беҳисоб ою йиллар, ёзу кишлар ўтади. Афсонага қўра занжирбанд оловбардор кимсасиз сахрода бир неча аср, ҳатто 30 минг йил азобланган эмиш.

Қийноклар унинг жонини олса-да, иродасини буқолмайди. Мағрурлик билан қаддини ва қадрини баланд тутган Прометей эзгу йўлининг ҳақлигига, ҳакиқат тантанасига ишонарди. Ва шундай бўлди ҳам: хайрли бир кунда Геракл дунёга келди, жафокор бургутни ўлдириб, Прометейни ҳалос этди. Инсонга оловни ҳадя этган афсонавий баҳодирнинг мунгли қиссаси юонон ҳалқ оғзаки ижодида ана шундоқ эзгу якун топади.

ГЕРОСТРАТНИНГ БАДКОРЛИГИ

Жаҳоннинг етти мўъжизаси ҳакида эшитмаган одам йўқ. Бу хусусда қўп ёзилган. Лекин қалам тутган одам ҳам хом сут эмган бир бандаки, муаллифлар янглиниб қолиб, чалкаш, ҳатто нотўғри гапларни ҳам эълон қилиб туришади. Чупончи, Буюк Хитой деворининг, Хипдистондаги Тож Махал обидасининг ёки Эйфель минорасининг (Франция) етти мўъжизадан бири деб кўрсатилиши худди ўша ҳатолардандир.

Жуда қадим замонларда ақл бовар қилмас даражадаги юксак тафаккур ва меҳнат билан яратилган етти мўъжизавий обида аслида қуйидагилар:

1. Миср Эхромлари, эрамиздан аввалги 28-17- асрларга мансуб.

2. Эфесдаги Артемида (Диана) ибодатхонаси 120 йил курилиб, эрамиздан аввалги 550 йилларда битказилган.

3. Галикарнасадаги (Туркия) подио Мавсол ва унинг аёли Артемисия мақбараси.

4. Вавилондаги самовий Семирамида боғлари, эрамиздан аввалги 7- асрда яратилган.

5. Зевснинг (Олимпдаги) олтин ва фил суюгидан ясалган улкан ҳайкали, эрамиздан аввалги 430 йиллар атрофида ҳайкалтарош Фидий бунёд қилган.

6. Родос (Гелиос) оролидаги Родослик Колосснинг эрамиздан аввалги 292-280 йилларда бронзадан ясалган ҳайкали, муаллиф –Харос.

7. Александрия (Миср) денгиз портидаги соҳилга ўрнатилган маёқ. Бу ноёб инишот эрамиздан аввалги 280 йилларда машхур меъмор Сострат Книдский лойихаси билан қурилган эди. Бу мўъжиза XIV асрдаги қаттиқ зилзила туфайли вайрон бўлиб кетган.

Хозир булардан биттагина Миср эҳромлари мавжуд холос. Колган олти мўъжиза табиат ва жамиятдаги бўхронлар туфайли ер юзидан йўқолиб кетди. Уларнинг баъзилиридан вайроналар сакланиб қолган бўлса, аксарияти тўғрисида антик муаллифларнинг битиклари орқалигина хабардормиз холос...

Ёнингга дучор бўлган Артемида ибодатхонасининг такдири бағоят ачинарли. Бу мўъжизани Диана ибодатхонаси хам дейилади. Диана-Римликлар эътиқодида ой маъбудаси эди. Эрамиздан аввалги 5 – асрларга келиб ўша ой маъбудасини Артемида деб атай бошлишганди. Эфес (Кичик Осиё) шаҳрида (эрамиздан аввалги 550 йилларда) унинг шарафига тенги ва тимсоли йўқ иморат тикланиб, Артемида- Диана ибодатхонаси деб аташиди.

Худди ўша Эфесдан Герострат деган бир савдои шахс чиқиб, эрамиздан аввалги 356 йили мўъжиза бино-Диана ибодатхонасига ўт қўйиб юборди. Ривоятга қараганда, айни Диана-Артемида обидаси кулга айланган кечада Искандар Зулқарнайн таваллуд топган эмиш (изоҳ: Александр Македонский эрамиздан аввалги 356 йил июль ойида Македония хукмдори Филипп иккинчи хонадонида дунёга келган).

Геростратнинг бадкор тиласи мислсиз ёнгин билан ўз номини тарихда қолдириши эди. У ниятига етди: мўъжизани йўқ килган, антик дунёдаги энг катта ва даҳшатли ёнингнинг сабабкори бу телба ҳозиргача лаънат билан тилга олиниди. Унинг қора кирдикори ҳакида бир канча китоблар ёзилган. Ана шундай асарлардан бирининг номи жуда машхур. Агар билмасангиз, билиб олинг: «Номинг ўчсин, Герострат!»

ТУХУМ БИЛАН ЁНГИН ЎЧИРИЛАДИМИ ?

Оловнинг жилови инсон қўлида бўлса, ўз жойида, ўз вақтида ва эзгу максад учун ёниб турса, дунё тургунча ҳам эзгуликдир. Худо кўрсатмасин, унинг тизгини қўлдан чиқиб кетгудай бўлса, ўт балоси деган оғатга айланади. Тарих шундокки, инсоният оловга қанчалар интилган бўлса, ёнғиндан шунчалар қочган.

Қадимда ёнғин чоғи одамлар унга карши курашмоқдан кўра оловдан яширинмоқни, бу балодан олисларда турмокни маъкул кўришар экан. Насронийлар иримига биноан эса ўт кетган жойда икона ва хочларни (крест) кўтариб олиб, олов теварагида айланаверишган. Эмишки, янги туккан кора сигирнинг сутидан сепилса ҳам ёнғин қаҳридан тушади ёки пасха тухумларини ёнаётган бинога улоқтириш лозим...

Ислом динида ёнғин ўчириш савоб. Ҳадиси шарифда ушбу хусусда ибратли ўгитлар бор. Қомусларда ёзилишича, антик дунё механизми Ктесибий ёнғин ўчиришда қўл келадиган илк механизмни ихтиро қилган. Римлик архитектор Витрувийнинг таърифлашича, бу машина «сувни осмонга кўтариб берарди». Бу техника тарихидаги дастлабки икки цилиндрли насос эди. Аммо шундай ажойиб машина неча юз йилларгача башариятнинг ёдидан чиқиб кетди.

Факат 16- асрга келибгина германиялик Антон Платнер худди ўша принципда ишлатиладиган ёнғин ўчирувчи қўл насосини яратди. У сувни 6-8 метр масофага соча оларди. 1762 йили амстердамлик Ян Ван дер Гейде худди шундай насосни енглик (шланг) билан ишлатишни ўйлаб топди. 1829 йили Лондонда насоси буғ билан ҳаракатланадиган ва от судраб юрадиган биринчи ёнғин ўчириш транспорти на-мойиш этилди. 1892 йилга келиб, Германияда механик насос билан жихозланган илк ёнғин ўчириш автомобили ишлаб чиқарилган...

Ундан бўён 110 йилдан зиёд вақт ўтди, бугун ёнғинга карши кураш воситалари мисли кўрилмаган даражада ривожланиб кетди. Зарур жихозларнинг, қуролларнинг, никоб ва маҳсус кийим-бошларнинг минглаб тури ва моделлари мавжуд. Ёнғин ўчириш автомобили ҳеч кимга янгилик

бўлмай қолган. Чунки маҳсус мотоцикллар, тракторлар, катерлар, кемалар, поездлар, вертолётлар, самолётлар ихтиро килинди.

Лекин афсус! Жуда ҳам афсуски, фан-техника тараққий этиб, ёнғин ўчириш механизмлари кўпайгани сари баҳтсиз ҳодисалар сони ҳам ортиб бормокда-да...

«ЎТ ЎЧУРГАН ИБРОХИМ»

«Қиссаси Рабгузий» китобида Иброҳим алайхиссалом-нинг оловга даҳлдор воқеаси бор. Асар муаллифи Носируддин Бурҳонуддин Рабгузий «Қиссаи Иброҳим алайхиссалом маа Намруд алайҳиллаъна» бобида шундай назм битади:

Эвда туғсан, эрнак эмсан, тогда турган Иброҳим,
Юлдуз англаб, ойни тонглаб, кўкка инсан Иброҳим.
Ўғлини курбон қилурда кўкда ўтлаб семирған,
Кўч фидосин Жаброилдан ерда булған Иброҳим.
Болта кўтариб тилку сийган бутни сўйған очтуруб,
Эт едурған, от чикарган, ўт ўчурған Иброҳим.

Иброҳим пайғамбарнинг оловдаи ғолиб келиши, аланга ва чўғ орасидан зиён-заҳматсиз, омон-эсон чикиши воқеаси шундай. У замоннинг одамлари жоҳил ва гумроҳ бўлиб, Аллоҳни танимас, ҳар турли санамларга, хайкалларга, бутларга топинишарди. Уларни иймонга даъват этиб юрган Иброҳим алайхиссалом ҳалиги бут-мутларни болта билан майдалаб ташлади. Жоҳилият аҳлининг раҳнамоси Намруд бундан ғазабланиб, Иброҳим алайхиссаломни ўтга ёқишни буюрди.

Намруднинг сон-саноқсиз лашкарлари гулхан учун 4 ой ўтин тўплади. Энди уни Иброҳим алайхиссалом куйдириладиган майдонга ташиш зарур эди. Бу юмушдан тужа, от ва эшак бўйин товлади, кўнмади, аммо хачир елкасини тутиб, бу хизматга хозир бўлди. Бунинг учун у Иброҳим алайхиссаломдан қарғиши ва лаънат олди.

Кўшин ойлаб тўплаган ўтин шунчалар кўп эдики, бир ёғоч (9 километр) майдон чўп ва тараща билан лиқ бўлди. Кейин уни ёндиридилар. Шунда оловни ўчириш тилагидаги калдирғоч тумшуғида сув келтириб қуяверди ва пайғамбарнинг дуосига колди.

Кирк кун деганда алангашунчалар авжига чиқдики, тўрт ёғоч (36 километр) олисдаги одам ҳароратга дош беролмасди, осмондаги учган қуши борки, канотлари қуйиб битарди. Намруднинг одамлари гулханга яқинлашолмай ожиз қолдилар.

-Иброҳимни қандай қилиб ўтга отамиз?-дейишди улар ноиложликдан.

Шунда шайтон келиб, манжанақ ясашни уларга ўргатиб қўйди. Иброҳим алайхиссаломнинг оёқ-қўлларига етмиш ботмон темирдан кишан уриб, ҳалиги палаҳмонга солдилар. Фаришталар Аллоҳнинг пайғамбарини оловдан омон саклаш учун манжанакни босиб олдилар, отилмай тураверди. Тағин азозил (шайтон) аралашгач, Иброҳим хавога улоктирилди, аммо ўт қуидирмади – Худонинг амри шу эди.

Кейин ҳазрати Жаброил жанинатдан бир жойнамоз келтириб, гулханинг ўртасига тўшаб берди. Иброҳим алайхиссалом унга ўтириб, намозга машғул бўлди.

Намруд бадбаҳт хизматкорларига буюрдики:

-Минорага чиқиб, Иброҳимга карагин-чи, қуйиб кул бўлгандир.

-Шоҳим, дунёдаги борлиқ тоғларни ёндирадиган мундок олов ичида Иброҳим колармиди?-дека хитоб қилган ҳалиги хизматкор кўрдию, хайрат бармогини тишлади.

Чунки оловнинг ўртасида – пайғамбарнинг теварагидаги 20 шар (мил) масофада ёзнинг қизил, яшил, сарик чечаклари гул очган. Чашмалар оқиб, хурмо дарахти ўсиб турибди. Жаннатий фароғат қўйнидаги Иброҳим алайхиссалом ибодат билан банд.

Мудхиш ёнғин шунчалар кучли эдики, унинг ҳарорати ҳатто ер ости моддаларини ҳам жунбушга келтириб, етти кечаю етти кундуз зилзила бўлиб турди. Бундан даҳшатга тушган Намруд «ўтни сўндиринг» деб амр килди ва сув таший бошлидилар...

Окшом чоғи Иброҳим пайғамбар олов ичидан сиҳатсаломат чиқди. Намруднинг одамлари уни кўришга кизиқиб келаверди. Шунда ел турди ва қўр сочилиб, ҳаммаси қуйиб адо бўлди.

Хуллас, Аллоҳнинг пайғамбарига қарши уюштирилган ушбу ғаразнинг барча иштирокчиси қора ниятига яраша Парвардигордан жазосини олди. Чунончи, гулханга ўтин ташиб берган хачирнинг насли куриди, ҳеч кўпайиб кетмайди. Чумчук ҳас-чўп ташиб тургани учун унинг патини юлмоқ, гўштини ўтга тоблаб емок одамларга расм бўлди. Калхат ўтни яхшиrok ёндиrmоқ учун қаноти билан елпийди ва оқибатда у учраган ерда ўлдирилади. Қарлуғоч (қалдирғоч) тумшуғида ташиган томчи сув билан гулхан ўчмасди. Лекин эзгу иши учун дуо олди, одамзод қурган уйнинг тўрида яшашга ҳақли бўлди...

Хулласи калом, аллазамонда ёмонлар ғарази билан ўтга ташланиб, Аллоҳнинг иродаси или зиён-захмат кўрмаган, «ўт ўчурған Иброҳим» қиссасидан бугун ҳам ибрат олмок лозим.

ИЛК ҚАДАМЛАР

Наманганда ўт ўчириш хизмати қарийб 80 йиллик тарихга эга. Архив хужжатларининг шаҳодатига караганда, шахардаги илк ўт ўчириш командаси 1928 йилда ташкил этилган. Ижроқўмнинг бу ҳақдаги қарорида ўша йилнинг 19 апрель санаси қайд қилинган. Команданинг бор-йўқ "техникаси" биттагина от-арава бўлиб, 150 литрли сув идиш билан таъминланганди холос. Ўт ўчириш командасининг биринчи бошлиғи **Павел Игнатович Соленит** эди. 1929-1933 йилларда эса бу вазифани **Василий Спиридонович Орабей** адо этган.

1934 йили ўт ўчирувчилар жамоасининг иш шароити ва моддий-техника базаси бир оз яхшиланди. Команда соғиқ Пушкин кӯчасидаги мослаштирилган гаражга кўчди. Ушбу бино иккита автомашинага мўлжалланган бўлиб, шахсий таркибга битта "АМО-4" ўт ўчириш автомобили берилди.

Наманган шаҳар ўт ўчириш командасига 1934-1937 йилларда **Пётр Рижков**, 1938-1940 йилларда эса **Виктор Петрович Дулинин**лар раҳбарлик қилишди. Урушгача бўлган даврда шахсий таркиб тасарруфига "ПМГ-1 Д-20 ГАЗ-АА" русумли ўт ўчириш автонососи қабул қилиниши муносабати билан от-аравалар жанговар хисобдан чиқарилди. Шу вактдан бошлаб ўт ўчириш хизматида от боқиш, ем-хашак жамғариш юмушлари ҳам тұхтади.

Уруш даври ва урушдан кейинги пайтларда, то 1959 йилга кадар наманганлик ўт ўчирувчилар "ЗиС-5" шассисига ўрнатилган "ПМЗ-11" ва "ПМГ-1" русумли маҳсус автомобиллар билан ёнфинга қарши кураш олиб боришиди. Наманган шаҳар ўт ўчириш командасига 1940-1950 йилларда **Виктор Васильевич Турсаков** бошлиқ эди. Ундан кейин (1951-1966 йиллар) командаға **Зайнiddин Пошшаходжаев** раҳбарлик килди. Бу пайтларга келиб, шахсий таркиб ихтиёрида "ПМЗ-17" ва "ПМГ-6" автоцистерналари бўлиб, ёнфинга қарши кураш самарадорлиги сезиларли ортди.

Аста-секин туманларда ҳам ёнгин хавфсизлиги идоралари ташкил этиш бошланди. Вилоят ижроқўмнинг 165-сон-



Наманган шаҳар ёнин ўчириш командааси аъзолари. Пастда, ўнгдан учинчи – команда бошлиғи Павел Игнатович Соленит (1928 йил).



Наманганд шаҳар ёнин үчирини командасининг шахсий таркиби
(1930 йил).



**Василий Спиридонович Орабей,
Наманган шаҳар ёнғин ўчириш командаси бошлиғи
(1929–1933 йиллар).**




Наманган шаҳар ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари
(1930 йиллар).



Чуст шаҳар ўт ўчириш командаси бошлиғининг
ёпламчиси Абдуллажон Дўстматов механизаторлар
билин ёнгинга қарши йўриқнома ўтказмоқда (1951 йил). 16

Наманган шаҳар ўғ ўчириш командасининг шахсий таркиби (1964 йил).



ли карори (1957 йил 29 октябрь) билан Учкүрғон шаҳрида ўт ўчириш командасининг иши йўлга кўйилди. Ўшандада битта "ПМГ-6" автомобили ва битта "АМО-3" кўл насоси ўрнатилган машина билан таъминланган бу жанговар жамоага **Расулжон Алиев** етакчилик киларди.



Низомжон Турғунов,
Наманган шаҳар ёнғиндан
сақлаш инспекциясининг
бошлиги 1969—1976 йиллар.

Ўчириш командалари Ички ишлар вазирлиги тасарруфига ўтказилди. Шунга кўра Наманган шаҳар ўт ўчириш командаси ҳам ички ишлар тизимига ўтказилиб, касбийлаштирилган ўт ўчириш кисмiga айлантирилди.

Наманган 1968 йили Андижон таркибидан алоҳида вилоят сифатида ажralиб чиккач, етти кишидан иборат ёнғиндан сақлаш бўлими ташкил этилди. Ушбу бўлимга 1968—1978 йиллар давомида ички хизмат подполковниги **Риф Темирянович Мулляянов** раҳбарлик қилди.

1968 йил тизим тарихидаги муҳим ўзгаришлар санаси бўлди. Яъни 7 та туманда давлат ёнғин назорати инспекциялари ташкил топди.

1972 йили Наманган шаҳридаги касбийлаштирилган ўт ўчириш кисми отрядга айлантирилди (вилоят ижроқўми карори №127-8, 1972 йил 26 апрель) ва штат бирлиги 70 нафарга етказилди. Ўшандада ушбу отряд таркибида 2-сонли (хозирги 2-ХЁҲҚ), 14-сонли (кимё заводи), 15-сонли (ёғ экстракт заводи), 19-сонли ("Беш йиллик" нотӯқима матолар

Наманган шаҳрида 1963 йили бенита ўт ўчириш автомобилига мўлжалланган замонавий бино қурилиши бошланди. Икки каватли янги иморат 1965 йилда фойдаланишига топширилди. (Хозир унда Наманган шаҳар ИИБ ёҲБ 1-ХЁҲҚ жойлашган). Ўт ўчириш командаси 2 та автоцистерна, енглик автомобили, "ГАЗ-69" ва "А.ЛГ-17" русумдаги нарвонли автомобиллар билан таъминланди.

Собир Иттифок ҳукуматининг (1966 йил 26 май) ва республика ҳукуматининг (1966 йил 26 июнь) карорларига биноан маҳаллий ўт

фабрикаси) касбийлаштирилган ёнғин үчириш қисмлари ва аврли газламалар фабрикаси қосидағи профилактика гурухи бор эди.

Гап юксалиш ҳакида кетар экан, **Шұхрат Имомов** фаолияти ва ташаббусининг самараси бўлган хайрли пшларни алоҳида эътироф этмок ўринлидир. Аввал ўринбосар бўлиб ишлаган, 1978-1981 ва 1983-1996 йиллар давомида вилоят ИИБ ЁСБ бошлиғи бўлган полковник Имомов кўп эзгуликларга бош-кош эди. Жумладан, унинг ташаббуси билан етмишинчي йиллар охирида хўжаликлараро ўт үчириш командалари ташкил килинди. Бу ушбу йўналиш бўйича Ўзбекистондаги илк тажриба бўлганди. Уйчи, Янгиқўрғон, Задарё (хозирги Мингбулок), Тўракўрғон, Косонсой, Наманган ва Норин туманларида фаолият бошлаган бундай командалар ёнғинга қарши кураш ва профилактика ишларида катта таянч вазифасини бажарди. Командалар хўжаликлар томонидан пайчилик асосида маблағ билан таъминланган. Халқ ва давлат бойлигини, пахта ва галлани, жамоат бинонлари ва омборларпи жиловланмаган оловдан кўриклашда бу командалар ўз даврида муҳим аҳамиятга эга эди.



Наманган вилояти ёнғиндан сақлаш хизмати ходимлари (чапдан ўнгга): Миннур Қаюмов, Абдуҷаббор Каримов, Раҳимжон Ризаев, Зайниддин Пошаходжаев, Аҳмаджон Азизов (1970 йил).

ИСЛОҲОТЛАР ПАЛЛАСИ

Тармок тобора кенгайди, моддий-техника базаси мустахкамланиб борди. Жумладан, 1981 йили Наманган шаҳрида 1-сонли, сабиқ Давлатобод туманида 2-, 3-, 4-сонли техник хизмат кўрсатиш ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш қисмлари ташкил топди. Анчагина янги бинолар курилди. Чунончи, 1982 йили Тўракўронда, 1983 йили Уйчидা, 1984 йили Косонсойда, 1986 йили Янгиқўронда, 1988 йили Тошбулоқда, 1995 йили Чустда қисмлар учун янги бинолар фойдаланишга топширилди.

1989-1990 йиллари сабиқ Давлатобод туманидаги 2-сонли мустакил ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш қисми худудида катта ва мураккаб ёнғинларни ўчиришда зарур 10 та маҳсус автомобилга мўлжалланган таянч маскан-алоҳида автосарой курилди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бўйруғига (1993 йил 29 декабрь) биноан ушбу таянч масканидаги техникаларни унумли ишлатиш ва улардан самарали фойдаланиш максадида 2-мустакил ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш қисми шахсий таркибиغا 21 нафар қўшимча штат бирлиги ажратилди.

"Мингбулоқнефть" конининг пайдо бўлиши билан вилоят ёнғинга карши кураш тизими учун ҳам янги вазифалар вужудга келди. 1992-1994 йилларда кон худудида қудукларни кавлаш, нефть саклаш омборлари ва нефть куйиш эстакадасини куриш давомида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш юзасидан қатор чора-тадбирлар кўрилди. Жумладан, 1994 йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг карорига кўра ушбу стратегик обьектни ёнғиндан ҳимояловчи иккита ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш қисмлари ташкил этилиб, уларга 48 нафардан штат бирлиги ажратилди.

Бу орада туман тизимларида ҳам сифат ўзгаришлари амалга оширилди. Республика хукуматининг қарори (1976 йил 20 июнь) билан 9 та туманда ташкил қилинган хўжаликлараро ўт ўчириш командалари 1995 йили касбийлаштирилган ўт ўчириш қисмларига айлантирилди. Чуст шаҳридаги 10-сонли касбийлаштирилган ўт ўчириш қисми ўрнига

эса 1996 йилда 5-сонли мустакил ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш кисми ташкил қилинди.

Албатта, бундай сифат ўзгаришлари, жанговар фаолиятнинг самарадорлигини ошириш ўйлидаги изланишлар мустакиллик берган имкониятлардан келиб чикди ва улар ЁСБ тизимидағи туб ислохотларнинг бошланиши эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги (2001 йил 27 марта) Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида ёнгин хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида"ги (2001 йил 25 июнь) кароридан сўнг ушбу ислохотлар ҳал қилувчи паллага қадам қўйди.

Вилоят ИИБ ЁСБ бу жараёнда ёнгин хавфсизлиги бошкармасига (ЁХБ) айлантирилиб, штат бирлиги 19 нафарга етди. Шаҳар ва туманлардаги ҳарбийлаштирилган ва касбийлаштирилган ўт ўчириш қисмлари эндиликда ҳарбийлаштирилган ва касбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисмлари деб аталадиган бўлди. Кези келгандан шуни ҳам таъкидлаш ўрнилики, уларнинг номигина ўзгарган эмас. Шахсий таркибларнинг жанговар тайёргарлиги, иш услублари, тарғибот-ташвиқот – ҳаммаси замонавий талаблардан келиб чиқкан ҳолда ташкил этилмоқда.

Наманган – 400 мингдан зиёд аҳоли яшайдиган катта шаҳар, у тобора кенгайиб, замонавий мегаполисга айланниб бормоқда. Янги турар-жой мавзелари, кўп каватли уйлар, маҳаллаларнинг зичлиги, хонадонларнинг туташлиги ёнгин хавфсизлиги чораларини такомиллаштиришни, тарғибот-ташвиқот ишларини 21-асрнинг тобора ўсаётган эҳтиёжларига мутаносиб равишда ташкиллапни тоқазо қиласи. Зоро, тизимни ислоҳ қилинар экан, вилоят марказидаги ана шу эҳтиёж ҳам алоҳида эътиборга олиниши лозим эди, албатта. Бинобарин, шаҳар гарнizonидаги ёнгин хавфсизлиги қисмлари базасида Наманган шаҳар ИИБ 1-ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги кисми ташкил топди ва у бугунги кунда фаол иш олиб бормоқда.

Гап ЁХБ тизимидағи янгиликлар ҳақида кетгандан, сўнгги йиллардаги қурилишларни алоҳида гурур ва ифтихор билан тилга олиш лозим. Жумладан, вилоят ЁХБ маъмурий

биноси (2002 йил), Косонсойда (2003 йил), Чортокда (2004 йил), Мингбулоқ ва Попда (2005 йил), Норинда (2006 йил) туман ЁХБлари учун замонавий бинолар қуриб фойдаланишга тоширилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 декабрдаги карорига асосан Қамчик довонида 7-харбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисми учун ҳамма қулайликларига эга бўлган бино қурилишига киришилди ва иморат 2004 йилда битиб, фаолият кўрсата бошлади. Ушбу янги қисм замонавий техника ва алоқа воситалари билан тўла таъминланди.

Бу қурилишлар ниҳоятда зарур эди. Негаки, истиқлол йилларида давлат ва ҳалк учун катта аҳамиятта эга бўлган ёнгин хавфсизлиги тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг асосий максадларидаи бири ҳам гаризоншинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва шахсий таркибининг жанговар хизматига етарлича шарт-шароит яратишидир. Шу билан бирга ўт ўчирувчилар тасарруф қилаётган мавжуд машина ва механизмларнинг хизмат кўрсатиш муддатини узайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борадаги изланишлар кўп йиллар давомида қўйилган пойдевор асосида амалга оширилди, албатта. Бу пойдеворни вилоятда оловга қарши курашдай савобли ишни бошлаб берган кекса авлод, хурматли фахрийлар мустаҳкамлаб кетишиган. Умр бўйи ўз қасбига содик бўлган устозлардан Ҳамидулла Турсунов, Иброҳимжон Абдуллаев, Муродилла Алибоев, Болтабой Зарифбоев, Усмонжон Ҳожиназаров сингари раҳматли инсонларнинг ўлмас ишларини ёдга оламиз, у азизларнинг рухларига Аллоҳнинг раҳматини сўраймиз. Бугун нафакада бўлса-да, профилактик тадбирларда фаол иштирок этажётган, ёш шогирдларидан маслаҳатларини аямаётган Исмонжон Даминов, Сайидаҳмад Каримов, Абдурашид Умаров, Ахмаджон Сулаймонов каби кўплаб фахрийларнинг ибратли ишлари таҳсинга лойик.

Эндиликда вилоят ёнгин хавфсизлиги тизими ўз шахсий таркиби билан ҳам, техник жиҳозланиши билан ҳам катта куч. Шу жумладан, 6 та харбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисмida 240 нафар, 2 та алоҳида постда эса 28 нафар ходим жиловсиз оловга қарши жанговар шайликда турибди, керак бўлса, мардона кураш олиб

бормоқда. Вилоят бүйича 25 та касбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмлари мавжуд бўлиб, уларда 720 киши хизмат қилади. Вилоят ЁХБ шахсий таркибининг 142 нафари зобитлардир. Улардан 96 киши олий-техник ва 46 киши ўрта маҳсус-техник маълумот эгаси.

Хозирда Наманган вилоятида 72 та асосий, 5 та маҳсус ва 40 та ёрдамчи ёнғин ўчириш автомобиллари мавжуд. Ёнғинга қарши курашда бу техника воситаларининг барчасидан унумли фойдаланилмоқда.

Муродилла Алибоев

(1924-2004)

Муродилла Алибоев ёнғин хавфсизлиги соҳасининг билимдони, табаррук отахонлардан эди. У Тўракўрғон туманидаги Катта Курама қишлоғида туғилган.

Шу ердаги 29- мактабда таълим олгач, 1943 йилга қадар ўша пайтдаги Акмал Икромов номли (собиқ "Олтин водий") ширкат хўжалигига ишлади.

Ўн тўққиз ёшида харбий хизматга чақирилиб, она қишлоғига ғалабадан сўнг – 1947 йили қайтиб келди. М.Алибоевнинг ёнғин хавфсизлиги хизматидаги жанговар фаолияти 1951 йилдан бошланган. Аввал Тўракўрғон туман ёнғинга қарши кураш инспектори бўлиб ишлади, 1956-1962 йилларда эса Учқўрғон туманида фаолият кўрсатди.

Муродилла Алибоев бу йилларда катор мураккаб ёнғинларни жиловлашда шахсан иштирок этди, ташкилотчилик намуналарини кўрсатди. Жанговар хизматлари учун Республиканинг собиқ Ички ишлар вазири, генерал-майор Ю.Бабажонов қўлидан хизмат мотоциклининг қалитини олди, "Энг яхши ёнғин хавфсизлиги ходими" кўкрак нишони билан тақдирланди.

У Наманган шаҳар ёнғиндан сақлаш инспекциясига бошчилик қилганида ҳам (1963-1968 йиллар), вилоят ЁСБ норматив-техника ва автоматика соҳасида ишлаганида ҳам (1968-1974), Учқўрғон туман ёнғиндан сақлаш инспекцияси раҳбарлиги лавозимига ўtkazilganiда ҳам (1974-1979) файрат-шижоат билан фаолият кўрсатди. Шу йилларда Наманган шаҳри ва Учқўрғон туманида тизим ишини яхши-

лаш билан боғлиқ кўплаб амалий тадбирлар М.Алибоевнинг номи билан бοглик.

Ёнғиндан сақлаш хизматининг синалган зобити, урушда тобланган жанговар ўт ўчирувчи М.Алибоев 1979 йили истеъфога чиқди. Қарийб ўттиз йил шу соҳада меҳнат қилган Муродилла ота нафакага чиккач ҳам бекор ўтиргани йўқ. Аввал Наманган шаҳар 1-ҲЁҲК нинг газ-тутундан химоя хизматида уста, кейин вилоят кўнгилли ёнғинга карши кураш жамиятининг ҳаракатдаги ўқув курсига бошлиқ бўлиб 1987 йилгача ишлади. У шогирдларининг меҳрибон устози, ҳамиша доно маслаҳатгўй эди.

Аммо инсон умри омонат, шафқатсиз ўлим раҳматли Муродилла отани 2004 йили орамиздан олиб кетди. У киши ҳақидаги нурли хотиралар эса барҳаёт яшамоқда, эзгу ишлари, яхши сўзлари, инсоний фазилатлари ҳамиша тилга олиб турилади. Зоро, М.Алибоевдай фидоий, ҳалол, меҳнаткаш устозлар ҳаёти ёшларга ибратдир.

ШУҲРАТ СОДИҚОВИЧ ИМОМОВ



У 1940 йилда Янгиқўрғон туманида туғилган, 1978-1981 ва 1983-1997 йилларда Наманган вилоят ИИБ ёнғиндан сақлаш бўлимининг бошлиғи лавозимида ишлаган, истеъфодаги полковник.

МЕН 1969 йилда собиқ Иттифоқ Ички ишлар вазирлигининг олий мактаби кошидаги ёнғин хавфсизлиги хизмати мухандислари факультетини тамомлаганман. Мехнат фаолиятим ўша йили Наманган вилоят ИИБ ЁСБ бошлиғининг ўринбосари вазифасидан бошланган. Бўлимимиз атиги 7 ходимдан иборат эди. Ўшанда вилоят бўйича учтагина касбийлаштирилган ёнғин ўчириш кисми (Наманган, Учқўрғон ва Чустда) бўлиб, улар жойлашган бинолар хеч қандай талабга жавоб бермасди.

Туман ИИБлари кошида биттадан инспектор ёнғин хавфсизлиги бўйича фаолият юритишган. Бу борада корхона ва хўжаликларда тузилган кўнгилли ўт ўчириш дружиналарининг ёрдами катта бўлганди.

Ўша йиллари тизимимиз иши такомиллашиб бораётгани сезилиб турса-да, давлат ва халқ мулкини, инсонлар ҳаётини ёнғин ёки бошка техноген авариялардан ҳимоялашда долзарб муаммолар кўп эди. Айниқса, соҳанинг моддий-техника базасини мустахкамлаш, малакали кадрлар тайёрлаш, замонавий бинолар қуришни орзу қилардик. «Яхши ният – ярим мол» деганлари ҳак ган, секин-секин ўша орзулар амалга ошиб борди.

Ходимларимиз харакати ва маҳаллий ҳокимият ёрдами билан 1976 йилда хўжаликлараро ўт ўчириш командалари тузини бошланиб кетди. Бу хайрли иш Республикаизда биринчи марта тажриба қилинаётган бўлиб, Наманган вилояти ўшанда гўё тажриба мактаби бўлганини эслайман. Етти туманда ташкил этилган бундай командалар амалда яхши натижалар берганди.

Кўп ўтмай Наманган шаҳрида харбийлаштирилган ва туман марказларида касбийлаштирилган кисмларни тузини

бүйича ташкилий тадбирларга киришилди. Бундан ташкари ахолиси 20 мингдан ортик бүлган қиплокларда ҳам кам сонли ўт ўчириш кисмлари ташкил қилинди. Бу ишлар изчил давом этиб, 1985 йилга қадар кисмлар учун бешта янги бино қурилди. Ёнғиндан саклаш тизимига техник хизмат кўрсатиш вужудга келди, рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракати авж олди.

Шахсий таркиб учун химоя восита тарини кўпайтиридик, «ACB-2» русумли кисилған ҳаво ашаратлари олиб келинди, хизмат шароитлари яхшиланди, замонавий спорт базаси яратилди. Кишини қувонтирадиган энг муҳим нарса шуки, соҳамизда юқори малакали миллый кадрлар кўпайди. Улар ёнғинга карши курашнинг самарали усусларини ҳам, ўзлари учун зарур бўлган хавфсизлик коидаларини ҳам яхши эгаллашганди.

Хар кандай ютуқ инсон омили билан қўлга киритилишини унутмаслигимиз керак, албатта. Шу нуқтани назардан алгангали фронтда тилсиз ёвга карши жасорат билан жанг килган Абдулла Дўсматов, Зайниддин Пошишаходжаев, Жамолхон Кодиров, Низомжон Турғунов каби ўнлаб жанговар сафдошларимизнинг номларини хурмат билан эслашни инсоний бўрчим деб биламан.

НЕФТЬ КОНИДАГИ ФАЛОКАТ

Халқимиз табиий оғатларнинг, хар турли ҳалокат ва күнгилсизликларнинг неча-неча турини кўрган. Тарихий Тошкент зилзиласидан кейин ҳам қанча ер силкинишлари, тошқин ва селлар, ёнғин ва кўчкilar бўлди. Бари бардoshimizni sinamokda va unga қарши matonat lozim.

Наманганда ҳам бундай фалокатлар анчагина ўтган. Вилоят марказидаги 1948 йилги тошқин, 1972 йилги шойи газламалар корхонасидаги ёнғин ҳали кўпларнинг эсида. Чорток сув омборидаги тўғоннинг ўпирилиши (1976 йил 1 май) эса анчагина вайроналикка сабаб бўлганди. Кейинчалик Попдаги ер силкинишлари-чи? Ўшанда зилзила Мингбулоқ туманингача титратиб борганди. Бундан ташқари ҳар йил баҳорда дарё ва сойларнинг тўлиб-тошиши, ёзда дўл ёғиши, Марказий Фарғона қумларининг дала ва боғлар устига ўпирилиши...

Ҳайриятки, бу сои-саноғи йўқ, ҳеч қачон тўхтамайдиган ва кўккисдан хуружга келадиган оғатларга қарши курашувчилар, ўт ўчирувчилар, кутқарувчилар бор. Бу ўринда 2005 йил қишдаги Қамчик довонидан ўтувчи ҳалқаро йўлни 2-3 метр қалинликдаги кор босиб колганини ҳам эслаш жоиз. Ислаки, у ҳам барча кутқарувчилар учун бир имтиҳон эди. Ёнғин ўчирувчилар кидирув-кутқарув ишларida матонат намуналарини кўрсатишиди. Энг таҳликали дамларда ҳам шахсий таркибининг бирор аъзоси ўз хизмат постини тарқ этгани йўқ. Керак бўлса, бутун довон ҳудудини яёв босиб ўтишди, айниқса, йўлсозларни кутқаришда кўрсатилган жонбозликларни алоҳида таъкидламоқ лозим. Уша кунлари узлуксиз ишлаб турган энг ишончли алоқа воситаси айни шу тизимга тегишли бўлиб, йўлни кордан тозалаш ва қатновни тиклаш ишларининг ўзига хос штаби вазифасини ҳам Қамчикдаги икки туннель орасига жойлашган 7-харбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги кисми бажарганди...

Аммо бўлиб ўтган фалокатлар орасида Мингбулоқ нефть конидаги ёнғиннинг кўлами жуда катта эди. Мингбулоқ (собиқ Задарё) тумани ҳудудидаги бешинчи қудукдан отилган фаввора ҳамма-ҳаммани жуда хурсанд килганди. Аввалига рисоладагидай кетаётган кон ишлари, ер остида каттагина нефть заҳираси борлиги хакидаги хабар чинакам

қувончга арзирди, албатта. Аммо ҳар тўқисда бир айб: қувурдаги корамой оқимини тўхтатиш мосламаси-привенторнинг қуввати 750 атмосфера босимига дош бера оларди, холос. Беш километр (5200 метр) чуқурликдан отилиб чикаётган газ-нефть фавворасининг босими эса 1200 атмосфера...

Ўша привентор клапанлари 1992 йил 2 март куни соат ўн бир яримларда "иши кўрсатди" ахийри. Клапан дош беролмай қолгач, очик майдонни суюклик эгаллай бошлади, катта миқдордаги нефть оқимини бошқариб бўлмай колди. Авариядан сўнгги дастлабки 3-4 соат фурсатдаёқ қудук атрофидаги иншоотларни, икки гектарча майдонни корамой босди. Тизгинсиз фавворанинг баландлиги 150 метрга етди, бу 50 каватли иморатнинг бўйига баробар бўлиб, ҳар сонияда 110 литр нефть отилиб чиқмоқда эди. Бетўхтов оқиб турган бунча қорамойни жойлаш имкони йўқ эди ва унинг Сирдарё сувига қўшилиб кетиш хавфи ҳам пайдо бўлганди. Бу экологик тажовузнинг олдини олиш биринчи галдаги вазифа экани аён, шунинг учун мавжуд техникалар билан нефть оқимининг йўлига ғов солинди. Эртасидан бошлаб, қўшимча машина ва механизмлар жалб этилди, тупрок тўсиқлар мустаҳкамланди. Нефть оқими эса бир неча гектар очик майдондаги хавзаларни лиммо-лим қилиб борарди. Кейин махсус транспорт воситаларида уни ташишга киришилди.

Аммо нефтни жойлаш ва ташиш ташвишлари кейинрок бошланган фалокат олдида ҳеч гап бўлмай колди. Тўртинчи март куни 5-кудук минорасини бузишга киришилди, эҳтиёт-сизлик оқибатида учқун чиқди, ёнгин болланиб кетди. Йигирма гектар майдондаги очик ҳовузлар тўла нефтга ўт илашди. Аланга шунчалар ваҳима солиб овоз берардики, икки-уч чакирим нарида ҳам оёқ остидаги ер зириллаб турарди. Олов хуружга келиб, ҳамла килганда, бир гектарлик ўрмон беш дақикада куйиб кул бўлди.

Куннинг қоқ ўртасида қора тутун қуёш юзини тамом беркитиб, кон устига тун чўккандай бўларди. Тутун ҳатто 10-12 километр масофага тарқаб, булутгача қўшилиб кетди, ўша кунлари ёмғир ҳам кора рангда ёқкан эди. Баландлиги 110 метрга етадиган Мингбулоқ алангасини тунда Чорток ва Янгиқўрғон туманларидан ҳам кўриш мумкин бўлган. Оловга яқин келишнинг эса сира иложи йўқ, ҳарорат 1200-1400 даражани ташкил этарди.

Наманганда бундай фалокат ҳалигача кузатилмаганди. Ёнгин бошлангандан кейинги саноқли дақиқаларда воқеа жойига биринчи бўлиб катта инспектор капитан Нўъмонжон Нишонов бошчилигида туман ўт ўчириш кисми навбатчи коровулининг шахсий таркиби етиб келди. Кейин бутун вилоят ёнгиндан сақловчилари, бошқа тегишли хизматлар оёқка турди, 24 та техника, 40 нафардан иборат жанговар куткарувчилар жалб этилди.

Лекин ҳалокат кўлами катта эди. Хуружга келган ёнгин ўнлаб, юзлаб техника ва одамларни мутлақо писанд килмасди. Чунончи, уйдай келадиган қип-қизил аланга ердан узилиб, ҳавода муаллак туриб қолади. Гирдобга ўхшаш бу балон азимнинг ҳар тарафда сон-саноқсиз қип-қизил тиллари бор. Кўплаб ёнгинларни бартараф килишда қатнашган тажрибали ўт ўчирувчилар ҳам бунақасини кўришган эмасди. Ҳалиги муаллак аланга 100-150 метр баландликда маълум муддат "ўйнайди-да", кейин ерга отилади. "Ўйнаш" чонида гуё унинг ақли бор, кон теварагида ниманидир нишонга ҳам олгандай бўларди ва тушган ерини кўйдириб ташларди. Фалокатга қарши курашаётганлар оловнинг бу "ҳунари"ни бир неча бор кузатишди...

Тезда хукумат комиссияси тузилиб, иш бошланди. Зоро, тобора жунбушга кираётган ўт балосини режа асосида ва уюшган ҳолда бартараф этмаса бўлмасди. Фалокатга қарни Наманган, Андижон, Фарғона ва Тошкент вилоятларидан 190 га яқин техника воситалари, мингга якин ўт ўчирувчи ва куткарувчилар жалб килинди. Тилсиз ёв йўлига гов солини учун бошланган ана ўнудай жанговар кураш бир неча хафта узлуксиз давом этди. Ёнгин хавфсизлиги ходимлари катта жонбозлик кўрсатишди, улар юкори ҳарорат остида асосий юмунини бажараётган маҳсус техникаларни сув билан мунтазам совутиб туршарди.

1992 йилининг апрель ойи оғат билан курашда ўтди, ўт ўчирувчилар ва куткарувчилар хафталаб уйларини кўришгани йўқ, кечасию кундузи бетиним, беором ҳаракатда бўлдилар. Ва ниҳоят 2 май куни фалокат бартараф этилди, она ер, тоза ҳаво, Наманган табиити, қадим Сирдарё, унинг ёнгинасидаги Охуибобоев номли канал сувлари экологик ҳалокатдан саклаб колинди.

Табиат стихиясига қарни бу қаҳрамонлик намуналари Узбекистон Республикаси Президентининг Фармонида (1992

йил 4 июнь) ўз қадрни топди: полковник Шуҳрат Имомов, капитан Нуъмонжон Нишонов ва сержантлар Ҳасанбой Умматов, Тожиддин Сайфиддиновлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фахрий Ёрлиги билан тақдирланишиди.

Мингбулук нефть конидаги фалокатдан бүён анча йиллар ўтди, ушанда туғилтган йигитларнинг овози дўриллай бошлиган. Лекин у кунлар йироқлашгани сайни* кўрсатилган жасоратнинг маҳобати ортиб бормоқда. Мингбулук ёнғинини бартараф этишдаги ўзига хос усувлар, куткарув ишларидағи фидойиллик, корамойни Сирдарё сувига туширмаслик йўлидаги жонбозлик ҳали кўп ўрганилиши турган гап. Ўша харакатларнинг тактика ва стратегияси ёнғинга карши курашувчи ва куткарувчилар учун қўлланмалардан ўрин олиб, келажак авлодларга ҳам сабок бўлса ажаб эмас.



Аҳолининг турли қатламлари орасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини самарали тарғиб қилишда Наманган шаҳар 1-ҲЁҲҚ қошидаги ёнғин техник маркази алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг учун у қайта жиҳозланиб, 2002 йил 9 декабрь куни янгидан иш бошлиди. Марказининг очилиш маросимида ёшлар, жамоатчилик вакиллари, кўпгина ҳурматли меҳмонлар иштироқ этишди.

Ўнгдан чапга: ёнғин хавфсизлиги хизмати фахрийи Шуҳрат Имомов, Ўзбекистон Қаҳрамони Дилбар Акрамова.



Бойназар Дедабоев,
вилоят НИБ ЁХБ бошлиғи,
подполковник.



Бахтиёр Джураев,
вилоят НИБ ЁХБ бошлиғи
ўринбосари, подполковник.



Тұравой Ҳошимов,
вилоят НИБ ЁХБ бошлиғи
ўринбосари, майор.



Алижон Раймов,
вилоят НИБ ЁХБ бошлиғи
ўринбосари (1998-2003 йилдар),
истеъфодаги подполковник.

НАМАНГАН ЁНФИН ХАВФСИЗЛИГИ ХИЗМАТИ РАҲБАРЛАРИ

1.	Павел Игнатович Соленит	1928-1929 йиллар.
2.	Василий Спиридонович Орабей	1929-1933 йиллар.
3.	Пётр Рижков	1934-1937 йиллар.
4.	Виктор Петрович Дулинин	1938-1940 йиллар.
5.	Виктор Васильевич Турсаков	1940-1950 йиллар.
6.	Зайниддин Пошшаходжаев	1951-1966 йиллар.
7.	Риф Темирянович Муллаянов	1968-1978 йиллар.
8.	Шуҳрат Содикович Имомов	1978-1981 йиллар.
9.	Туробхон Бобохонов	1982-1983 йиллар.
10.	Шуҳрат Содикович Имомов	1983-1996 йиллар.
11.	Бойназар Якубович Дедабоев	1997 йилдан.



**Риф Темирянович
Мулляев,
вилоят ИИБ ЁСБ бошлири
(1968-1978 йиллар).**



**Усмонжон Ҳожиназаров,
Наманган шаҳар
касбийлаштирилган ўт
ўчириш отряди бошлиги.**



**Сайидаҳмад Каримов,
Косонсой туман ИИБ
ЁХБ бошлиги
(1987-2002 йиллар).**



**Турсунбой Шербадалов,
Чуст туман ИИБ ЁХБ
бошлиги
(1986-1988 йиллар).**



Болтабай Зарифбоев,
Учқұрғон туман ИИБ ЇХБ
бошлиғи
(1979-1988 йиллар).



Хамидулла Турсунов,
Уйчи туман ИИБ ЇХБ
бошлиғи
(1980-1990 йиллар).



Абдурашид Умаров,
Наманган ва Тұракұрғон
туман ИИБ ЇХБ бошлиғи
(1985-1994 йиллар).



Иброҳимжон Абдуллаев,
(1956-2000)
Яңгиқұрғон туман ИИБ ЇХБ
бошлиғи (1982-2000 йиллар).



Тоҳир Машраббоев,
ёнғыт хавфсизлиги
хизматида 1976 йилдан
буён ишлаб келмоқда.



Исмонжон Даминов,
Наманган шаҳар ИИБ
1-МХҮУК бошлиги
(1981-2001 йиллар).



Икромали Жўраев,
(1960-2003)
вилоят ИИБ ЁҲБ бошлиги
ўринбосари
(2002-2003 йиллар).



Аҳмадхон Сулеймонов,
Чуст туман
ИИБ ЁҲБ бошлири
(1988-2005 йиллар).

«ЁНФИНДАГИ ЖАСОРАТИ УЧУН» МЕДАЛИ НИШОНДОРЛАРИ



Маҳамаджон Бобомирзаев,
Наманган шаҳар 1-касбий-
лаштирилган ёнфиндан сақ-
лаш отряди ёнгин учирув-
чиси.



Ҳакимжон Каримов,
Наманган шаҳар
1-касбийлаштирилган
ёнфиндан сақлаш отряди
ёнгин учирувчиси.



Абдулжаббор Каримов,
Наманган вилоят ИИБ ЁСБ
катта муҳандиси.



Марат Сайфутдинов,
Наманган вилоят ИИБ ЁСБ
ёнгин учирини штаби
бошлиғининг катта
ёрдамчиси.

«ЖАСОРАТ» медали нишондорлари



АЛИЖОН ПАТТАЕВ,
вилоятииб ёхб
7-ХЁХК бошлини.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
2006 йил 12 январдаги Фармонига
биноан тақдирланган.



АНВАРЖОН ЎРМОНОВ,
вилоят ИИБ ёхб
4-ХТХКК ходими.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
2006 йил 5 майдаги Фармонига
биноан тақдирланган.



ИНОМЖОН РЎЗИНОВ,
(1979-2005)
Наманган шаҳар ИИБ ёхб 1-ХЁХО
3-ХЁХК ёнгин ўчирувчиси.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
2006 йил 5 майдаги Фармонига
биноан вафотидан сўнг тақдирланган.



У 1948 йили Наманган шаҳрида таваллуд тоған, 1964 йилдан бошлаб Наманган вилоят ИИБ ЁСБ мухандиси, катта мухандиси, бошлиқ ўринбосари лавозимларида хизмат килди.

А.Азизов 1996-2001 йилларда эса вилоят ИИБ қўриклиш бўлимида бошлиқ бўлиб ишлаган, истеъфодаги полковник.

МЕН 1964-1967 йилларда Свердловск ёнғин-техник билимгоҳида тахсил олдим. Курсант сифатида илк амалиётни 1966 йили республикамиз пойтахтида ўтагап эдим. Айрель ойидаги Тошкент зилзиласидан сўнг бизнинг хизматимиз ҳам зарур бўлган ва амалиётга юборилган ўзбекистонлик курсантлар қидирув-қутқарув ишларида қатнашгандик. Ундан бўён ўтган даврида бундай ноҳуш ҳодисаларнинг аллаканчасида иштирок этишимга тўғри келди...

Кексалар оғзидаи тушмайдиган ва дастурхон устида ҳамиша тилга олинадиган бир дуо бор:

-Ўт балосидан, сув балосидан асрарин.

Чиндан ҳам ўт балоси-тилсиз ёв. Унга қарши ўз касбими севган, чинакам фидоий инсонларгина курашга оладилар. Ўт ўчириш ёлғиз кишининг иши эмас, бу фронтда жамоат бўлиб жанг қилинади, ҳар бир одам факат ўзининг эмас, ёнидаги сафдошининг ҳам хавфсизлигини ўйлаши шарт, зарур бўлса бир-бирига калқон бўлиши, оддий имо-ишора билан шеригини аинглай олиши керак. Менинг ҳамма хизматдошларим ана шундай эзгу сифатларнинг, ўзаро меҳроқибатнинг соҳиблари эдилар. Бунга кундалик иш жараёнларида, катта ёнғинларда кўп шоҳид бўлганман. Хусусан, 1981 йил Поп нотўқима матолар фабрикасида бўлган мураккаб ёнғин манзаралари ҳали кўз олдимда турибди. Корхонанинг том кисми қурилганда ёнғин хавфсизлиги коидалари эътиборга олинмаган экан. Факат ходимларимизнинг фидоийлиги, ҳамжихат харакатлари билангина фабрика ўт балосидан саклай олинди. Наманган шойи газламалар комбинатидаги ёнғин (1972 йил) ҳақида ҳам айни шу эъти-

рофни такрор айтиш мумкин. Энг муҳими ўт ўчирувчилар-нинг жонбозлиги боис бирор кишининг шикастланишига йўл қўйилмади, оловнинг омбор ва цехларга тарқалишининг олди олинди, катта микдордаги давлат бойлиги асраб колинди.

Лекин шундай ғаразгўй кимсаларни ҳам кўрдимки, бундайлар ўт балосидан ўз кора ниятлари йўлида фойдаланмоқчи бўлгандилар. Масалан, Чуст темир йўл станциясидаги аралаш моллар дўконига ўт кетди. Чустлик ҳамкасларимиз фалокатни тезгина жиловлашди. Вокеа жойини кўздан кечириш жараёнида мен ҳам бор эдим. Кўрдимки, омборхонадаги ёғоч сўри остида оғзи очик идишда лиммо-лим бензин турарди. Маълум бўлдики, бу дўкон мудирининг иши бўлиб, ўт қўйган чоғида бензиннинг ёниб кетишидан, ҳамма нарсанинг кул бўлишидан умидвор бўлганди. Унинг баҳтига қарши ўт ўчирувчилар тезкорлик билан фалокатнинг йўлини тусиб колишган. Ёнгин воситасида ўз камомадини яширмоқчи бўлган дўкон мудири бу "хизматига" яраша "такдирланди", албатта.

Демокчиманки, ўт балоси билан ҳазиллашиб бўлмайди ва унга қарши қўнгли тоза, ҳалол, жасур кишиларгина кураша биладилар.



Миннур Қаюмов,
Истеъфодаги подполковник, вилоят
ИИБ ЁСБ бошлигининг ўринbosари




Каримжон Умрақов,
1985-1995 йилларда Намангандаги
шахар 2-ХЁҲК бошлигининг
ўринbosари, истеъфодаги капитан.
Хозирда вилоят ёнгин хавфсизлиги
хизмати фахрийлар кенгаши раиси



Наманган шаҳар қасбийлаштирилган ўт учираш қисми биноси (1968 йил).




Наманган шаҳар ИИБ ЁҲБ 1-ҲЁХО 1-ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисми (2005 йил).




Косонсой туманидаги 4-қасбийлаштирилган ёнғин үчириш қисми 2003 йилга қадар ана шу эски бинода жойлашган эди.



Қисмнинг янги биносига биринчи фишт қўйилмоқда (олдинда, ўнгдан чапга): Косонсой туман ИИБ ЁХБ бошлиғи, майор Сайидаҳмад Каримов, вилоят ИИБ ЁХБ бошлиғи, подполковник Бойназар Дедабоев.



Косонсой туман ИИБ ЁХБ 4-касбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисмининг янги биноси.





Қамчиқ девонини ёнгиндан мухофаза қилувчи 7-харбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисми



Чорток туманида ёнғин хавфсизлиги қисми илк бор 1972 йилнинг 10 январида вилоят ижроқуми қарори билан ташкил этилган.


1975 йилда қисм Чорток МҚК ётоқхонасига кўчиб, шу бинода 2004 йилгача фаолият кўрсатган.




Вилоят ёнғин хавфсизлиги гарнizoni шахсий тарки-бининг саъй-ҳаракати билан Чортоқда икки қаватли, тўртта автомобилга мўлжаллаган замонавий бино 2004 йилда фойдаланишга топширилди.



Мингбулоқ туманидаги 11- касбийлаштирилган ёнғин хавф-сизлиги қисми қарийб 30 йил ушбу мослаштирилган бинода фаолият күрсатди.



2004-2005 йилларда Жомашуйда вилоят гарнizonи шахсий таркиби томонидан ҳашар усули билан түртта автомобильга мұлжалланған замонавий бино қуриб битказилди.



Поп туманидаги 1-касбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми күп йиллар давомида ноқулай шароитда, ҳатто вагонларда жойлашган эди.



Ушбу қисмнинг янги биносига биринчи ғишт қўйилмоқда.



Попдаги бино қурилиши катта ҳашарга айланиб, унда вилоятнинг барча ёнғин хавфсизлиги қисмлари шахсий таркиби фаол қатнашди.



Янги бино биттагач, Попга хурматли меҳмонлар ташриф буюришиди (ўнгдан чапга): вилоят ҳокими И.Х. Нажмидинов, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁҲББ бошлиғи полковник А.И.Исломов, вилоят ИИБ собиқ бошлиғи генерал-майор А.Т.Усмонов, вилоят ИИБ ЁҲБ бошлиғи, подполковник Б.Дедабоев.

Ҳашар пешқадамлари



Обид Султонов,
Косонсой туман ИИБ ЁХБ
4-КЁХҚ, смена бошлиги.



Хайрулло Незматов,
Чорток туман ИИБ ЁХБ
6-КЁХҚ, смена бошлиги.



Сайфиддин Тұлашев,
Учқұрғон туман ИИБ ЁХБ
8-КЁХҚ, смена бошлиги.




Абдуғаффор Шукуров,
Учқұрғон туман ИИБ ЁХБ
8-КЁХҚ, смена бошлиги.



Поп туман ИИБ ЁХБ бошлиғи майор М.Мирзаниёзов янги бинонинг рамзий қалити билан.



Ўқувчи-ёшлар ёнғин-техник марказига тез-тез ташриф буюриб, мавжуд бешта бўлимдаги экспонатларни катта қизиқиш билан томоша қиладилар ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари буйича тушунчаларини мустаҳкамлайдилар. Бу борада ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари уларга бажонудил ёрдам беришади.



Вилает ИИБ ёхб шахсий тарқоби

Чапалай үнти (1- катар): Турсубоев, Абубекир Тұрабов, Сауридан Қосын, Тұрапай Ҳашимов, Бойназар Дембесек, Батыржер Джуғас, Ҳасанбек Токтагатов, Тошқарған Машаббасек, Рустамдин Абдуллаев (2- катар): Сауридан Қосын, Тұрапай Ҳашимов, Алишер Токтагатов, Абдиганир Ҳайдаров, Ислам Несиров, Адамжан Токтагасек, Илхомжан Ильясов, Розжак Рахимжанов, Мұхаммаджан Ҳисапов, Тоғуржон Макадашев, Коенжан Ҳамроқулов (3- катар): Осабекес Зокиа, Даңынурда Мұсімов, Илхомжан Бобомирзаев, Муроджан Мұлдашов, Батыржер Оргиков, Юңусол Дақаколов, Рахимжан Гүретов, Мұзаттар Корабов.



Чаптаң үнгүү (1-катор): Ибраһим Жұраса, Түртшынайат Эпібес, Олимжон Иминов, Олимжон Ҳакимов, Үктамжон Ботирок, Балхис Ә.Болабасов; (2-катор): Валижан Солис, Эсекен Абдумутағ, Ботир Жұраса, Абдулзин Көкжасын, Айвар Турсунов, Расулжон Коңироқ, Балхис Ә.Болабасов; (3-катор): Бокиширали Умаров, Машраб Мирзахмедов, Ишлөшали Шомитов, Димурод Сариков.

ҲАШАР

Халкимизнинг удумлари кўп. Улар орасида ҳашар деб номланган қадимий ва яхши одат бор. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да ҳашарни "жамоатчилик томонидан бериладиган ихтиёрий ёрдам" дея таърифланибди. Агар кўпчиликнинг ўша ихтиёрий ёрдами бўлса, ҳамма бир ёқадан бош чиқарса, ҳар қандай юмуш осон ва тез ӯйтади, оғир меҳнат бир кишини ё озчиликни зада қилмайди.

Юртимизда ҳашарнинг тарихий намуналари бўлиб ўтган: бутун халқ бир бўлиб, атиги 45 кунда битказган Катта Фарғона канали бунинг ёркин мисоли. Уни битта туман ёки бирорта қишлоқ аҳли кавлаганида курилиш неча йиллаб давом этмасмиди? Ҳашар туфайли ўшандок иншоот қиска муддатда битди, дала ва боғларга оби ҳаёт келди, водий аҳлининг ризқига ризқ қўшилди.

Гапнинг рости илгари ҳашарлар зўр бўлган. Бирор иморат бошласа, бутун маҳалла ёрдам кўлини чўзган. Томга васса, бўйра ва қамиш босилгач, ҳокандазон, яъни тупроқ солиш ҳашари бўлган. Йигитлар тупроқ тўла тўрва билан нарвонларни ларзон килиб, том устига басма-басга йўргалашарди. Ҳокандазоннинг яна бир тарафи шу эдикӣ, йигитнинг сараси шунда ажратиб олинган. Ҳашарбоши эълон қиласиди:

-Энди навбат полвонқопга!

"Полвонқоп" деганлари айтишга осон, холос. Уни кўтармок, том устида қакқайган ҳашарбошининг оёқлари остига ағдармоқ учун Алпомишнинг қуввати керак-да. Негаки, ҳалиги коп жоноворда етти-саккиз, ҳатто ўн пуд тупроқ бор. Энди унақа ҳашарлару, ундай алпомишлар қаёқда? Баъзан ўкинасан...

- Ўкинишнинг сира хожати йўқ,-дейишади вилоят ўт ўчирувчилари. -Ўша ҳашарлар ҳам, ўшандок алпомишлар ҳам бизда.

Рост гап, улар бу масалада ҳар қанча фахрлансалар ҳақлари бор. Ёнгин хавфсизлиги ходимлари халқнинг асрий удумини тиклаб олишган. Беш-олти йилдирки, бўш қолган одам ўзини ҳашарга уради. Аслида уларнинг ҳашари отабоболарнидан ҳам ўтиб кетди. Фишт куйиш, ҳатто уни пишириш (заводницидан ўtkазиб юборишади азаматлар), де-

вор уриш, эшик-дераза, том ёпиш-ҳаммаси ҳашар билан. Оқлаб, бүёклайдиганлар ҳам ўт ўчирувчиларнинг ўзлари. Тағин улар қурган иморат шунчаки уй-дахлиз эмас, бир йўла қўшқаватли, қадди баланд, нақ хонлар ўрдасидай келади.

Бу хайрли юмуш дастлаб вилоят ёнгин хавфсизлиги бошқармасининг маъмурий биносини битказишда қўл келди. Иморат фойдаланишга топширилгач, ҳашарчилар хулоса қилдиларки:

- Демак, қўпгина иш қўлимииздан келади.

Бу масалада аввал косонсойлик ўт ўчирувчилар енг шимаришди. Негаки, ярим гектардан зиёдроқ ер тайин, қурилиш бошланиб, бинонинг ярим-ёрти қадди тикланиб қолган. Бутун вилоятдаги ҳамкаслар "ҳа" деб юборишли, тўхтаб ётган иш жилиб кетди.

Пойдевор блоклари Нориндаги 17-КЁХҚ да тайёрланган бўлса, хом ғиштни учқўрғонликлар пишириб беришди. Ёғоч-тахта масаласида Косонсой ва Чорток туманларининг ўрмончилари ёрдам қўлини чўздилар. Ҳашарчи азаматларнинг нон-ошидан хабар олишда вилоятнинг деярли барча ёнгин хавфсизлиги идоралари иштирок этдилар. Олов билан олишиб юрган асл йигитлар орасида ажойиб ҳалқ усталари борлиги аён бўлди. Бу ҳунармандлар иқтидор ва маҳоратларини аямай сарфладиларки, тош ва ғиштга гўё жон киритиб юбордилар. Хуллас, кисқа муддатда Косонсой шахрига кираверишда гўзал бир бино бунёдга келдики, у ўз ҳусну латофати билан ҳам кўзни, ҳам қўнгилларни қувонтиради. Кошона вилоят ўт ўчирувчиларнинг бирдамлиги ва ҳашари учун ўрнатилган бир ҳайкал бўлиб қолади энди.

Маҳобатли янги бинонинг очилиш маросими катта тўйга айланиб кетди. Косонсойга бошқа туманлардан ташриф буюрганлар "муборак-муборак" қилишди ва ўзларининг ҳам юраклари қизийверди:

-Биз-чи? Бизлар қура олмаймизми?

Ана энди ҳашар вилоят ЁҲБ тизимида ўзига хос беллашув тусини олди. Бу ортда қолмаслик тилагидан, олға интилиш иштиёқидан, эзгу ишларни ҳавас қилишдан туғилди. Кейин улоқни чортокликлар олиб кетишли, ундан сўнг майдонга мингбулоклик ўт ўчирувчилар тушдилар. Бу иккى туманда ҳам ҳашар қўнгилдагидай якун топди, чиройли билолар қад ростлади. Яна тантанали очилиш маросимлари,

иззатли меҳмонлар ташрифи, табриклар, полвонқои күтартганларга совринлар...

Аллакачон ғайрати жүш урган попликлар энди караб туришармиди? Жойдан-жойга күчиш, иокулай шароитлар 1-сонли касбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми шахсий таркибининг жонига тегиб бўлганди, ахир. Якин йигирма йилдирки, ҳали Пон иотӯкима матолар фабрикаси қошида, ҳали ТЭЦ посёлкаси тарафда, ҳатто "Тулпор" деган фермер хўжалигига қарашли саройда фаолият кўрсатишиди, кўчаверишди.

Қисм учун ер майдони ажратилган, бор маблағ билан қурилиш ҳам бир оз бошлаб кўйилган. Аммо режага киритилмаган бинога ҳашар зарур, бўлмаса тия гўшти еб ётаверади. Шуниси борки, ҳашар ҳам ўзича бўлиб, битиб қолмайди. Унинг учун материал зарур, ҳашарбоши зарур. Вилюят ИИБ ЁҲБ бошлиғи, тиниб-тинчимас подполковник Бойназар Дедабоев қарийб 10 йилдан бўён давом этаётган барча қурилишларнинг ташаббускори, ташкилотчиси, керак бўлса лойиҳачи ва муҳандиси эди. Айтиш мумкинки, ишлаб чарчамайдиган, ҳамиша янги-янги ғоялар билан яшайдиган подполковник чин маъниодаги **ХАШАРБОШИННИНГ** ўзгинаси. Хўп, ҳашарчи ҳам, ҳашарбоши ҳам бор, энди қурилиш учун зарур материаллар масаласи нима бўлади?.

Албатта, бу кичкина муаммо эмас, маблағсиз қурилиш айтишга осон холос. "Ишлашни хоҳлаган имконият қидиради", "Қаловини топса, кор ёнади" деган мақоллар бежиз айтилмаган-да. Уйғурсойдаги хунар билим юргидан колган эски иморатни бузиб олишга рухсат тегди, ҳужжат имзоланди. Ва Пондаги 1-КЁҲҚ биносида иш юриб кетди, шунчалик меҳнат қайнардики, ишловчилар сони баъзи кунлари 250 кишига етди. Пондаги ҳашарнинг ўзига хослиги шундаки, Уйғурсойда иморат бузиш ҳам ҳашар, туман марказида иморат қуриш ҳам ҳашар. Бунақаси хеч бўлган эмасди, бино беш ойда битди.

Ўт ўчирувчилар бошлаган хайрли ҳашар кейин Норинда давом этди, якинда Учқўрғон туманида бошланади ва алалокибат, вилюятдаги барча ёнғин хавфсизлиги тизимлари бу билан замонавий, ихтисослашган ўз биносига эга бўлади, жанговар хизмат самарадорлиги ҳам ортади, албатта.

Қолаверса, ёнғин ўчирувчилар меҳнати ва ғайрати учун ёдгорликдай бўлиб бунёдга келган ўша бинолар туман мар-

казлари ҳуснига ҳолдай ярашиб турибди. Бу гани Косонсой ва Чортокдаги, Жомашуй ва Попдаги ЕХБ иморатларининг шинамлиги ўзи хам айтиб турибди. 7-ХЕХК жойлашган бино эса Қамчик довони ҳудудидаги энг кўрқасм, ташки киёфаси оригинал кошоналардан бири. Кўрмаганлар айтилган жойтарга бориб, ўзлари шохид бўлшилари, ишонч ҳосил қилишлари мумкин.

Энди ҳакқоний бир гани ҳам айтиши лозимки, шунча ҳашарлар бўлиб, қатнангаш ўнлаб йигитларниң бирортаси нольвонкои орқалаб томга чиқкани йўқ. Аммо барчаларидаги ҳиммат ва жонбозликнинг ўтмишда нольвонкои кўтарган нахлавон йигитларниң бардошу матонатидан камлиги йўқ эди. Уларниң елкасидаги онир юк манзилга етиб келди, оёқлари остига совринлар таизланди: гилам, полос, телевизор, магнитофон. Беминнат меҳнат ва ҳиммат учун берилган бу мукофотлар хар бир хашарчига она сутидай ҳалот эди. Бундай ҳолда қадршунос инсонлар уларга дейлиллар:

-Хорманг энди, совринлар муборак, янги уйлар кутдуғ бўлсин!



Турғунбой Мамажонов
Мингбулук туман НИБ ЕХБ
боштиги, истеъфодаги майор.



Шухрат Муллабоев
Мингбулук туман НИБ ЕХБ
11 КЕХК бошкиги.

Ҳ а ё т и й л а в ҳ а л а р

"МАРИЯ"НИНГ "ШАРОФАТИ"

Икки фарзандли бир аёл шунчалар киносевар чиқдики, алалхусус, Жанубий Америка сериаллари деган жойда ўзини томдан ташлаворадиган даражага етди. «Оддий Мария» нинг намойиши даврида у бека бўлган хонадонда нон-ош тайёрлаш ҳатто эсдан ҳам чиқиб кетди.

Шундай ишқибоз «шўрлик»нинг телевизори кечга яқин кўрсатмай туриб олса бўладими? «Буни тезгинада тузаттирасан!» деб иддао қиласин деса, кинони ўла қолса тушумайдиган эри ишидан қайтмаган. На оқармай ва на қўкармай безрайган телевизорни карғай-карғай қўшни маҳалладаги дугонасиникига йўл олди...

Уйга қамалган икки бола зерикди. Деразадан чиккан каттаси чой қўймоқчи бўлди... Ошхонада бошланган ёнгин ёнма-ён оғилхонага ўтганда қўшилар кўриб қолишиди. Ёнгин ўчирувчилар чақирилди, ярим куйган бўгоз сигир базур ҳалоллаб олинди.

«Оддий Мария»дан бунчалар «ҳаловат» топган аёлга ишдан қайтган киносевмас эри яна бир «шарофат» ҳади қилди. Яъни роса тўпалон кўтариб бўлгач, аниқ-тиник қилиб айтдики:

-Тагин «Мария» кўргудай бўлсанг, керагинг йўқ, ўша «Мария»нга хотин бўлиб юраверасанг!

МАЙОР ЎКРАБ ЮБОРДИ

Бола кўтарган майор эшикдан чиқиши биланок тўсинлари куйиб битган том гуппа босди. Кийим-бошини аланга ямлаб бўлган, бадани титилиб кетган болакайни бағрига босган майор ўткинчи машинани тўхтатди.

-Шифохонага, - шивирлади у.

Ҳайдовчи индамай газни босди. Уч-тўрт дақиқалик йўлда ўтган фурсат уч-тўрт йилдан ҳам чўзилиб кетди гўё. Бехуш бола мисоли балиқдай оғзини очиб-юмарди.

-Сувингиз борми, ука?

-Юхонада эди-да,- жавдиради шофёр.

-Тўхтатинг-чи...

Намланган рўмолчадан сув томди, конга беланганд жажжи лаблар бир тамшанди. Ёруғ дунёга нега келганини англамаган қоп-кора кўзлар катта-катта очилди-ю, тезгинада юмилди, лаблар ҳам ҳаракатдан тўхтади.

-Тамом!-деди йиғлаётган ҳайдовчи. Майор ўкраб юборди:

-Сени асрой олмаган биз бепарволардан рози бўлгин, эй фариштагина.

КАМПИРШО ДЎППОСЛАЙ КЕТДИ

Тутун қамалган уйда қоқ суяқ бир кампир кўрпага бурканиб ўтирибди. Мадори кетиб бўлганидан йўталгани ҳам ҳоли йўқ. Уни қутқаргани кирган икки йигитдан бири қўлтиғидан олмоқчи бўлди.

-Нари тур, бола! -чинқирди момо.

-Туринг, ҳозир том босиб...

-Босса босар, менга тега кўрма! -баттар чиранди кампиршо.

Ади-бади қилишнинг мавридимасдики, иккинчи йигит ҳам кўмакка киришиб, астойдил «кураш» бошланди. Тимдалаб, тепиб, тиш-тирноғи билан қаршилик қўрсатаётган бир ҳовучгина қария ўша лаҳзада гўё шунчалар оғирлашиб кетдики, чиниқкан икки азаматни ҳам шошириб кўйди. Кутимагандан янада разаби жунбушга келган кампир хассаси билан йигитларни дўппослагани тушди.

Ёнғин ўчирувчилардан бири унинг иккала қўлини қайириб азот кўтаргачгина момо сал бўшашди. Аммо йўл-йўлакай ҳам тинимсиз жавраб бораради:

-Мени ўз ҳолимга кўй, хой бола. Фолбин айтганки, ажалим оловдан келаркан...

Ёнғин ўчирувчилар ўлгиси келган кампиршони болачаси қўлига омон-эсон топшириб кутилишди.

ҚИЛМИШ -ҚИДИРМИШ

-Войдод, тезроқ келинглар, хотиним билам болам ёниб кетяпти.

Тезда етиб борган ёнғин ўчирувчилар ўлик-тириги номаълум икки кишини тутун ичидан олиб чикишди. Ёрдам

бермокчи бўлиб уринадиларки, иккови ҳам ўлиб бўлган, бунинг устига мурдалар конга беланган.

Маълум бўлдики, ўғли ва аёlinи ўлдириб қўйган котил уларнинг ёниб кул бўлишидан умидвор эди. Шу фаразда мурдаларни қамаб, уйнга ўт қўйиб юборган. Аммо хаяжонланганидан «01» га барвакт қўнғироқ қилиб, ўзини-ўзи доғда қўйди. Қилмиш-қидирмиш-да.

ҚАТИҚФУРУШ ПУЛ ОЛМАДИ

Ҳамма ҳайит намозига отланганида алангага обдон жунбушга келган, ёнгин ўчирувчилар қаттиқ меҳнатда эдилар. Фалокат тинчтилган маҳалда намозхонлар масжиддан кайтавердилар, кўпчиликнинг қўлида ёнгин ўчирувчиларга аталган насиба: нон, ширинлик, мева.

-Рахмат, -қўлини кўксига қўйди кўзлари киртайган капитан. -Томоғимиз тўла курум, шу топда бир нима ўтмайдиям. Агар жиндай қатик...

У сўзини тугатиб улгурмади.

- Мана қатик,-бошидаги тугунни ерга қўйди каршидаги дарвозадан чикиб келган аёл.-Олинг.

Капитан киссасига қўл солиши билан аёл танбех берди:

-Уят бўлади.

Устма-уст икки патнисдаги йигирма коса қатиқ тун бўйи тутун ва губорга «тўйган» ёнгин ўчирувчиларга даво бўлди. Бўшатилган идишларни киритар экан, капитаннинг донолик қилгиси келди ва қўпни йигитта тайнинлади:

-Қатикфуруш опага айтиб қўясизки, у кишининг хозирги химмати ҳаммамиз қилган меҳнатдан минг карра ортикроқ бўлди.

ЁНИБ БОРАЁТГАН ПОЕЗД

Чорток тарафдан келаётган тепловоз овозининг борича гудок устига гудок бериб, айюҳаннос билан ўтаверди. Темир йўл вилоят ёнгин хавфсизлиги бошқармасининг ёнгинасидан ўтгандики, файриодатий ваҳимани барадла эшитган ёнгин ўчирувчилар ховлига югуриб чикишди. Поезд тараклаганича кетди, учинчими, тўртинчими вагоннинг тирқишиларидан туриллаб тутун чикиб борарди.

Олов билан олишишга шай турган йигитлар Намангандын шаҳар вокзалига йўл олиши. Поезд юқлаш-тушириш майдонига тұхтади, хавфли вагон составдан ажратилди. Ими-жимида ишга киришган ёнғин ўчирувчилар тутун алангага айланмай турибок оғатнинг танобини тортиб бўлишганди. Уларни ҳеч ким чақиргани йўқ эди.

ЖАННАТИ ОДАМЛАР

Хайит намозига аzon чакирилган маҳалда масжидга кўшни ҳовлида ёнғин ўчирувчилар жанговар юмушга киришдилар. Радиокарнайдан эшитилиб турган маъруза уларнинг кучига-куч кўшарди.

-Аллохнинг шундай бир тоифа мўмин бандалари борки, доим ўз фароғатини ўйламайди ва хизматга ҳамиша қоим турди. Айни улуг айём чоғида сизу бизнинг сафимизда эмас, ёнгинамизда хуружга келган ўт балосини даф килаётган азаматлар худди ўша тоифага мансуб бўладилар. Келинг, бир дуо килайлик, Аллоҳ улар ўт-олов ичидаги тортаётган меҳнат-машаққатларини ибодат ўрнида кабул этсин, икки дунёларини обод килсин, дўзах ўтини ҳаром айлаб, жаннатидан жойлар берсин!

Хайит намозига сафланган издиҳом гувиллади: «Омин! Шилинган, қаварган кафтини юзига суртаётган майорнинг кўзларидан ёш думалади.

«ТУМШУҒИМГА БИР ТЕПСИН»

Ранги ўчган уй эгаси енгил машинадан тушаётган лейтенантга ўдағайлади:

- Сени бошимга ураманми, сув сочадиганларинг қани?
- Менга рацияда айтишувди, йўл-йўлакай...

Лейтенант жавобини тутгаломади, бехос тушган муинт уни қулатди. У ҳали ўрнидан туриб улгурмасидан узлуксиз сигнал билан икки машина етиб келди...

Ярим соатда ёнғиннинг «адаби берилгач», лейтенантнинг шериги папкасини очиб, уй эгасини чакирди:

- Ҳўб полвон ака.

Бўйни кисилган «полвон» индамайгина келиб, сассиз, садосиз тураверди.

-Мана иш битди, энди сиздан мушт еган лейтенантнинг ахволини ҳужжатлаштириб қўйсак.

-Мол аччиғи-жон аччиғи, ука,-тағин ҳам қўнишиди уй эгаси. -Ақл қочган маҳал эди...

Ёши ўтинкираган майор хат битувчини четга тортиб шивирлади:

-Вазминрок бўламиз, командир.

-Ие, -тикланди ёш зобит. -Бугун буни урибди, эртага мени, индинга сизни дўппослайди.

-Вахима килманг, ука, отангни ўлдирганга онангни бер, дебдилар. Биздан яхшилик қолаверсин...

Эртаси куни тушлик маҳали майорни ташқарига чорлаб қолишиди. Чикиб қараса, дарвоза ортида кечаги «полвон».

-Жаҳл келиб, ақл қочганди-да, aka, минг бор узр, мол омон, жон омон, сизларга раҳмат айтгани келдим,-дейди ер ўпгудай букилиб.

Машина юкхонасида буғи чиқиб турган тоғора, бир тугун нон, қовун-тарвуз, мева-чева.

-Мана шу куйлакни кечаги укамизга атаб...

-Қайси укангизга?-жўрттага тирғилди майор.

-Қўйинг энди, ўртоқ майор.

-Калтагингизни егани учунми? Бечора бугун дам олишда эди-да.

-Афсус,- астойдил таассуф килди «полвон».-Агар шу ерда бўлганида, чакирадингиз, юзимни тутиб турардим. Хоҳласин мушти билан солсин, хоҳласин тумшуғимга бир тепсин.

«САРИҚ ИБЛИС»

Лейтенантнинг ёнидаги янги ишга кирган йигитча:

-Во-о, манавини каранг, -деб юборди.

Сувга бўккан кутичада бир ховуч ярақлаган тақинчок.

-Бунака тиллага биринчи бор дуч келишингми?- сўради лейтенант.

Ёнгин ўчирувчи йигит бош ирғади.

-Хали кўп кўрасан, ука, айниқса, ёнгин ўчиб, уни акка, буни баққа килаётганингда, оёғинг остидан чикаверади. Мободо бирор донасини чўнтакка сола кўрма, тилла-пиллага бўлган ўз кизикишингни ўлдирсанг, уни кўрган жойингда тепиб ўтолсанг, шунда зўрсан.

-Тепиб ўтиб нима киламан?- бакрайди шогирд. -«Фалон жойда қутичангиз турибди» деб эгасига айта колсам-чи?

-Бундай килсанг ҳам ёмон бўлмайди, укам. Айтиб қўяйки, ана шу қўлингда турган нарса шайтон, уни «сариқ иблис» дейдилар. Башарти унинг домига тушгудай бўлсанг, гамом, Худониям, ота-онангният унутасан. Зинирдайгинасими шу тонда киссангга урсанг борми, куйдирмай қўймай-ди. Шундай куйдирадики, сариқ чўғнинг бу азоби олдида словда ёнишни роҳат деявер.

ИМОМ ЕТОЛМАГАН ОРЗУ

Унинг шу катта идорада тафии ишлагиси, яхшироқ лавозимдан умиди, қоп-кора ёҳуд оппок машинанинг орка ўриндиғида юриш орзуси бор эди. На чора...

-Фотиха олгани кирдим, ҳожибува, -арз килди у имомга. -Ишимни алмаштирадиган кўринадилар, бир дуо қилинг.

-Башарти сир бўлмаса, янги хизмат жойларини билсак бўладими?

Дуоталаб меҳмон армонли қўл силтаб, бошини сараксарак қилди:

-Ёнгин ўчирувчилар идорасига дейишди, таксир.

-Жуда соз бўпти, -имом-домланинг чехраси ёришиб кетди. -Хеч-хеч иккиланмай тезрок «хўп» дея қолинг. Танин сизга аталган вазифани бошқа бирор илиб кетмасин ё бугун таклиф килиб турганлар эртага айнаб юришмасин. Мен сизга чин дилдан бир гап айтайн: магарам ўзим ёшрок бўлиб, қўлимдаи бир иш келганда эди, ёнгин ўчирувчилар коровулликка сўрашса, «жон» деган бўлур эдим. Шу кунгача бу дунёликка ишлаган бўлсангиз, энди икки дунёнинг тадориги накд экан. Туинг, тезрок боринг, ишни бошланг, омин, Аллоҳу акбар.

ФАРИШТАДАЙ БЎЛИБ...

Ёнаётган уйнинг пиллапоясида жуда катта калиш турарди, размери 45-дан ҳам юқори.

-Бобомнинг оёқлари ана шунака, мен кўчада эдим, ячкаридан чиқолмай коптилар,-изиллади ота-онаси ишга кетган болакай.

Ёнғин ўчирувчилар дахлизга кирмоқчи бўлишганди, лопиллаган аланга улоктириб ташлади. Деразадан ичкари уйга кирган лейтенант хона тўридаги қарияни тутун орасидан ба-зўр илғаб қолди. Тасбехини қўлдан қўймаган бобой баланд овозда калима ўгириб ўтиради. Халоскорига кўзи тушдию, «Алҳамдуиллоҳ, ўзингга шукур» деб ўрнидан қўзғолди.

Аслида у дахлизга чикмай тўғри қилган. Бильякс, аланга ичкарига уриб, чолни куйдириши ҳеч гап эмасди. Қарияни опичлаб бехатар жойга олиб чиккан лейтенант шу хақда айтганди, муйсафид бош иргаб маъқуллади:

- Худонинг ўзи кўнглимга солиб, калима ўгириб ўтиравердим-да. Парвардигордан астойдил нажот сўрагандим, фариштадай бўлиб сиз кириб келдингиз-да, болам.

МЕХМОНЛАРИГА МЕХМОН БЎЛГАН КАПИТАН

Таътилдаги капитанинг гап жўралари келадиган. Ошхонадаги қўш қозонда суюқ-куюкни биқирлатиб кўйган келинбola дастурхонларни тузатиб турибди.

Кўккисдан ўртанча ўғли потирлаб кириб келди, лабилабига тегмайди:

-Фалончи акам ўзини осиб кўйганмиш.

Оёғини қўлга олган капитан кириб бориб кўрсаки, қўшни йигитнинг девдай гавдаси уйнинг ўртасида тебраниб турибди, кекиртагидаги сиртмоқнинг бир учи тўсинга боғланган. Ёнғин ўчирувчи капитан жонидан тўйган қўшнисининг оғзини йириб-йиртиб пуфлар экан, «машина, тезрок машина топинглар» дея ҳайкиради...

Дўхтирга хам етказиб боришиди, аммо вақт ўтган экан. Милиция аралашди, терговчи келди, сўроқ-савол, протокол...

Хуфтонга яқин ҳориб-чарчаб, тушкун ҳолда уйига кайтган капитан ичкаридан чиқаётган ғовур-шувурни эшитиб таққа тўхтади.

-Кира қолинг, меҳмонларингизга меҳмон бўласиз, ҳаммалари сизни кутиб ўтиришибди,-бидирлади ошхонадан чиқиб келган хотини.

Ана иннайкейин бугунги «гап» навбати ўзида экани ёнғин ўчирувчи йигитнинг ёдига тушиб қолди.

МАЙОР ТОПГАН «УСУЛ»

- Ўликдан кўркасизми?-сўради майор янги ишга кирган ёнгин учирувчидан.

-Мен халиги... -чайналди «ўлик» сўзини эшитибօқ ранги учган йигитча.

Майор таажжублангани йўқ. Чунки бу борада «ботирлик» киладиган ёшлар кам-да. Шунда у ёш ёнгин учирувчилардаги ўликдан кўркиш хиссини йўқотишга астойдил киришиб, ўз усулинни ишга солди.

Яъни у янги ходимларни ногирон болалар уйига олиб борадиган бўлди. Бу маҳсус даргоҳда шундай болалар борки, киёфаси... Уларни илк бор кўрганларнинг ҳатто бехуш йикилтнлари ҳам бўлди.

-Тирик инсондан ҳам кўркасизми? Ахир, сиз эртага ёнгин ичидан мурдаларни опичлаб, қучоқлаб оп чиқишингиз керак,-далда беради майор.

Йигитлар биладиларки, устоз ҳак.

ГУЛ ВА КУЛ

Етти ёшга тўлган ёлғизгина кизалоқ ногирон эди. Даствурхон тузатаётган она гул олинмаганини эслаб, шошиб колди. Бир дастагина гул билан кизчасининг ўксик кўнгли кўтарилишини ўйлаган аёл яқинроқдаги бозорга бориб кела қолмоқчи бўлди. Кетар чоғи болам зерикмасин деб телевизорни кўйиб берди...

Аёл кетди-ю, телевизор тутай бошлади. Хайриятки, калит қўшниларда эди, аравачадаги кизалоқ додлай бошлагач, кириб келишди ва фалокатнинг олди олинди. Гулга кетган она сал бўлмаса, кулнинг устидан чиқарди...

ТЎЙ ЖИЙДАКАПАДА ЭДИ-КУ

Ёнгин учирувчилар тўйга жўнаб турган лаҳзада Жийдакападан ёнгин хабари келди. Ясаниб-тусаниб олганларнинг бари икки машина бўлиб фалокат манзилига жўнашди. Икки соатлик «жанг» одатдагидай инсоннинг фалабаси билан якунланди.

-Қани энди базмга, -таклиф килади кора-курага беланган бир киши.

Ёнғин ўчирувчилар мундай қараңса, бугун киз узатаеттган ҳамкаслари. Азамат-да, фалокат хабари қулоғига түшгач, түйни ҳам ташлаб, ёрдамга келаверибди.

-Дарвоке,-эслаб колди бошлиқ. -Түй Жийдакапада эдик...

«ҚҰНФИРОҚНИ ОЁҚДА ЧАЛСИНМИ?»

-1951 йилда ёнғин ўчирувчи машина келди, бочкасига ярим тонна сув сиғарди, құлда ишлатиладиган иккى цилиндрли насоси бор. Җақирав бұлып колса, очық кузовга чиқиб иккى тарафға қатор ўтириб оламиз. Бир киши кабина ёнидаги тарвуздай құнфироқни бора-боргунча чалиб кетади: «жангур-жунгур», «жангур-жунгур»...

Исмат буванинг хикояси ёнғин ўчирувчи йигитчани ҳайратта солади:

-Ие, құлда чалинадими?

-Құнфироқ бұлғандан кейин құлда чалмай нима қиласы? - «нодон» бола устидан «қих-қих» лаб кулади ўттыз йил ёнғин ўчириб, йигирма йил бурун пенсияга чиқкан Исмат бува. -Бұлмаса, оёқда чалсинми?

«САЛ ҚҰРҚИБРОҚ ТУРИБМИЗ»

Канал учун қурилаёттган дюкер ичида ёнғин чиқиб, бир киши ҳалок бұлған.

-Мурдага тегманглар, эксперталар құришади,- тайинлади ёнғин ўчириб бұлинғандан сүңг бошлиқ.

Бироқ ўлік пастда қолганини эшитган врачарнинг юраги дов урмади.

-Биз тушмай құя қолайлық,- илтимос қилди эксперталарнинг каттаси жавдира. -Түғриси, сал құрқиброк турибмиз.

Ёнғин ўчирувчи «құрқаман» деганмас. Иккى йигит «03» машинасидаги «носилка»ни олиб, мүридай қорайиб ётган дюкер ичига кириб кетди.

ЮЗ МИЛЛИОН БЕРСАНГИЗ ҲАМ

Тутун бурксиб турган уйнинг томида ишлаётган йигитни портлаш тўлқини улоқтириб юборди. Учиб кетган ёнгин ўчирувчи девордан бир кулоч наридаги симёочни кучоқлаб омон колди.

-Худойим шундай асрадики, -кейин хикоя қилади у. — Мен ушлаган жойдан тўрт тарафга сим тортилган, хаммасида ток бор, аммо бирортасига тегиб кетмабман. Хозир миллион сўм берсангиз ҳам ўша ишни килмаган бўлардим.

-Ўн миллионга-чи?

-Хе-е, юз миллион бергандаям, йўқ-чи, йўқ!

БИР ТОШ ОСТИДАГИ ИККИ ҚИЗ

Ҳаммом портлаб бир киши ҳалок бўлган. Ёнгин ўчирувчилар вайронадан ярадорларни олиб чиқишиди. Аммо...

Каттакон темир-бетон блок икки қизни босиб колган. Бу тараф кўтарилса, наригиси додлайди, у томон сал қимирласа, бунисини эзади. Бетон савилни шундай олиш зарурки, жабрланаётган кизларнинг бирортасига зўр келмасин.

Шунда олти ёнгин ўчирувчи блокни даст кўтариб туришди, икки киши кизларни тортиб олди. Бетоннинг вазни бир тоннадан оғиррок эди.

ЧЎНТАКДАГИ МУЗ

Кўзи ожизлар корхонасида кечқурун бошланган ёнгинни бартараф қилгунча тонг отиб кетди. Қиши чилласи. Олдинда оташ кўидираман деса, орқада совук ўлдираман дейди.

Шеригининг жароҳатланган қўлини боғламоқчи бўлган лейтенант рўмолчасини қидирди. Негадир чўнтагини тополмасди. Мундай қараса, бошидан қуилаётган сув «боёвка»нинг чўнтағига тўлиб, музлаб колган экан.

«01» ДОИМ ТАЙЁР

Етмишга якин йўловчиси бор автобус нишабликдан тушаётиб, муюлишдаги уйнинг деворига урилди ва ичкарига «ташриф буюрди». Ҳалок бўлганлар бор, жароҳатланганлар талайгина, тезкор ёрдам керак, куткарувчилар зарур.

-Хозирча бошқасини қўятур, болам, -дея йўл қўрсатди бир мўйсафид телефон килаётган йигитга. -Аввал ёнгин ўчирувчиларни чақир, улар жуда ишончли, «01»ни бураб, арзингни айтсанг бўлди, одамиям, машинасиям доим тайёр туради.

«Қари билганни пари билмас». Бобой чин гапни айтган экан, зум ўтмай ҳалокат жойида ёнгин хавфсизлиги ходимлари ҳозири-нозир бўлишди.

ЧУҚУРДА НИМА БОР, А?

«01» га ёнгин бўлганда эмас, сув босгандага ҳам қўнғироқ қилишаверади. Фалати, а? Бундан ҳам таажжуб холлар бор: томга чиқиб тушолмагану, уйидан чиқиб киролмаган ҳам «01»дан кўмак сўрайди. Бир гал чақирилган жойга боришса, оғилхонага бегона ит кириб олган экан...

Мана навбатдаги қўнғироқ: фалоний қўчадаги фалоний муюлишдан ўтгач, фалоний хонадонга зудлик билан ёрдам зарур. Икки бола чукурга тушиб кетган. Ёнгин ўчирувчилар ўша чукурни кидириб йўлга тушишди. Улар ҳеч качон :

-Биз ўт ўчирамиз, ахир. Иннайкейин, айтинг-чи, чукурда нима бор ўзи? –деган эмаслар ва бундан кейин ҳам дейишмайди-да.

ШАМОЛЛАГАН БЎЛСА-ДА...

Балконга шоти қўйилди. Гугурт ўйнаган икки болакай алангичидан соғ-саломат кутқарилди. Йиғлаб-сиктаб алла-қаёқдан етиб келган она Ҳасан-Хусанларнинг ҳалоскори ким эканини билгани ҳам йўқ.

Уларни деб алангичидан ичига ёриб кирган ёнгин ўчирувчиларнинг биринчиси тунги сменадан чиқиб уйига кетаётган эди. Иккинчиси эса қаттиқ шамоллаб қолганди...

ОНА БЕХУШ ЙИҚИЛДИ

Онани шайтон йўлдан урди, уч норасидани уйга камаб, устидан қулф солди. Ҳосил байрамида томошалаб, юрагини бир ёзиб келмоқчи эди...

Сандалдан ўт илашди, қўшнилар хабардор бўлганларида эшик ва деразалардан ловиллаб алнга чикар, олов чордокка хамла кила бошлаганди. Ёнгин ўчирувчилар фалокатни жиловлашди, лекин марҳум болакайларга ёрдам беришдан ожиз эдилар.

-Нега гўдакларни ёлғиз қўйдингиз-а! –танбех берди ёнгин ўчирувчиларнинг каттаси.

Ҳосил байрамидан қайтган она беҳуш йиқилди.

МУДИРНИНГ ФАРАЗИ

Матлубот жамиятига карашли дўконда ёнгин ўчирилгач, қасддан ўт қўйилгани аникланди. Воеа жойини ўрганган эксперт-мутахассислар ҳам шундай хуносага келишди. Дастроб омборга бензин сочиб юборилгани билиниб турарди. Маълум бўлишича, дўконда камомад борлиги учун тафтиш ўтказилаётган экан.

Аллақаёқдан мудирни топиб келишди, қош-киприклари куйиб кетибди. Фараз билан гугурт чакаётган қаллоб мудир шошганидан ўзини ҳам ёндириб юборишига бир баҳя колганди.

ДЎХТИРГА ЎХШАЙДИ

Қаричилик-да, кон босими кўтарилиб кетган Алим бувага «тез ёрдам» чакиришди. Врач йигит уколга хозирланар экан, кўчадан ёнгин ўчириш машинасининг ваҳимали сигнали эшитилди. Бемор чол дардини унугандай каддини бир оз тиклаб, ёстикка суюнди.

-Оқ ҳалатни кўрибок тузалиб қолдингизми, отахон? -сўз қотди дўхтир.

-Рахмат, ўғлим, -илжайди Алим бува. -Сизниям, бировнинг молу жони деб ўзини ўтга, чўқقا урадиган ана шу машинада кетаётгандарни ҳам Аллоҳ паноҳида асрасин. Ёнгин ўчирувчилар ҳам худди дўхтиларга ўхшашади, болам.

ШОХУ ГАДО БАРОБАР

Каршида кип-кизил аланга, оёк-остида қайноқ тупрок, бош устида ёмғирдай ёғаётган сув. Сержант якинидаги ҳамкасбига буйруқ қилди:

-Айтинг, иккисиңиң стволдан ўртарокка сув берсиин.

Зум ўтмай ўша жойга «ёмғир» ёға кетди, босар-тұса-рини билмай ховликаётган аланга ховридан тушди...

Ёнғин ўтгач, таҳлил бошланды, сержант ўринли тадбир күллаб, ўз вактида буйруқ бергани ва майор ҳам түғри бажарғани таъкидланды.

-Бебош оловга уруш эълон килинган пайтда мен «фалончиман» дейиш йўқ, ёнғин чоги шоху гадо баробар, - хулоса қилди подполковник ва алоҳида уқтириди. -Ўша жойда майор эмас, мен бўлганимда ҳам сержантнинг буйруғини сўзсиз бажарап эдим.

ҚОРА МОЙ ИЧИДАГИ ЎЛИМ

Уйдай келадиган қорамой идиш яримлаганда мазут котиб колди. Аввалига суюлтиrmокчи бўлиб ташқарисидан ўт ёкиб кўришди, натижা чиқмади. Кун совук, теплицани иситмаса бўлмайди.

-Пиллапояси бор, ичига тушиб, жўмрагини кавлаб кўраман, -деди уринаётганларнинг биринчиси.

-Майли, зора шунда суюқлик харакатга келса, - кувватлади иккинчиси.

Мазут идишдаги йигитдан дарак бўлавермагач, шериги ҳам тушиб борди...

Икков бадбўй коронгуликда не иш қилишган - бу ёлғиз Худога маълум. Зудлик билан чақирилган ёнғин ўчирувчилар тушиб кўрдиларки, икки кишининг мурдаси қорамойга ботиб ётарди...

КЕЛИННИНГ КИРДИКОРИ

Кўшни аёл тинимсиз машмаша қиласди:

-Ҳозироқ битта алоҳида машина қўйиб, мен тарафгаям сув сочасиз.

Ҳамма нарсанинг ҳисобини олиб иш қилаётган ёнгин ўчирувчилар жон куйдириб уқтиришадики, аёл тушмагур ўз билганидан қолмайди.

-Бир сўмлигимни минг сўмлик килиб ундириб оламан! - пўписа қиласди у. - Сенларни бошингга шундай кунларни солайинки...

Ёнгин ўчди, дарғазаб хонимнинг хонадони мутлақо дахлсиз қолди. Ёнгин ўчирувчиларни таажжублантирган ҳол шу бўлдики, ўша аёл шунчаки қўшни эмас, уйи куйган амакининг тўнғич келини экан.

«ЎПАЁТТАНИ ЙУҚ, АХИР»

Бир йигит кўчага чиқиб, ҳовлига кириб жаврайди:

-Хотиним қолиб кетган.

Газниқобини ҳам кийишга улгурмаган лейтенант аёлни қутқариш учун тутун бурксиб ётган уйга кириб кетди. Икки дақикалардан сўнг у остоноада пайдо бўлди, қўлида кўхликкина жувон.

-Нафас бериш керак, -буюрди майор.

Яқинда турган сержант каравотга ётқизилган карахт жувоннинг оғзини очди-да, пуфлай бошлади. Ёнгин ўчирувчи чукур нафас олиб, аёлнинг лабларига тағин лаб босар экан, ранги ўчган дарғазаб йигит дўриллади:

-Бўлди-да энди, жа-а индамаса...

-Аёлингизни ўтга ташлаб, ўзингиз кочиб чиқдингизми, энди тек туринг, -баланд овозда луқма солди майор. -

Ёнгин ўчирувчи хизмат вазифасини бажаряпти, хотинингизни ўпаётгани йўқ, ахир...

КАЛЛАПАЗ «БОЛАМ» ДЕМАДИ.

Ўт кетган ховлининг эгаси каллапаз бўлиб, бозорда экан. Хамма кулфат бўлиб-битгач, уни топиб келишди. Бир ўрли куйиб ўлган, мурданинг устига оқ чойшаб ёпиб қўйилганди.

-Эсизгина баллоним,вой мени баллонларим, -фарёд қилди каллапаз.

У фарзанди устида дод солишини кутиб турган хало-йик хайратдан котиб қолди. Маълум бўлдикӣ, хоналардан бирда «Москвич»нинг тўртта янги баллони бўлиб, хонадон соҳиби шу матахларига аза тутаётган экан.

-Ўттиз беш йил ўт ўчирувчилик килиб, ёнгин ва одам-зоднинг минг хилига рӯпара келдим, -дея таассуф билан бош чайкайди оқсоч майор. -Аммо «болам» демай, «баллоним» деб йиғлаган ўша каллапаздай ёмон одамни ханузгача бошқа учратмадим.

«ШЎРИМГА ШЎРВА ТЎКИЛИБ...»

-Мен профессор Фалончиев бўламан, -дер эди қўнфироқ қилган киши ҳовлиқиб.

-Манзилни айтинг.

-Манзилим шундок-шундок, қозон тўла овкат билик-билиқ қайнаб турибди. Эшик ёпилиб қолган, мен ташкаридаман, калит ичкарида, ёдимдан чикиби...

Профессор у ёфини айтмаса ҳам не гаплиги навбатчига тушунарли эди. Козондаги таом қайнаб тошгач, газ ўчади. Демак, зудлик билан фалокатнинг олдини олиш керак!

Ёнгин ўчирувчилар етиб боришиди, балконга шоти қўйилди, эшик очилди, газ плита жойида, қозон тўла шўрва пишай деб турибди. Ўз уйининг эшигини ўзгаларга очтирганидан ҳижолатланган фаромушхотир олим кўлини кўксига қўйди:

-Минг-минг раҳмат. Агар сизлар келмаганларингизда шўримга шўрва тўкилиб қоларди-я!

ЁНГИН ЎЧИРУВЧИЛАР ҲАҚИДА

- Англияда энг шарафли ва юкори ҳак түланадиган касблардан бири ёнгин ўчирувчиликдир. Ёнгин ёхуд бошқа фалокатлар чоғи инглизлар «999» ракамига құнғирок қилишади.
- Ахолиси каријб 700 минг киши бўлган Иерусалим (Исройл) шаҳрида атиги 4 та ёнгин ўчириш қисми бўлиб, 25 киши навбатчилик килади. Ҳар бир янги ходим ўн ҳафталик махсус ўқув-тайёргарлик курсида таълим олади.
- Япон тасвирий санъатининг дахоларидан бири саналган Хиросигэ (асл номи Токутаро Андо) ёнгин ўчирувчилар сулоласига мансуб эди. У 1797 йили Токиода, ёнгинга карши кураш дружинасининг командири оиласида таваллуд топган. Хиросигэ 13 ёшидан бошлаб (отаси вафот этгач), ёнгин ўчирувчилик қилган. Кейинчалик ўзини санъатга бағишлиб, машҳур мусаввир бўлиб кетган Хиросигэ барibir илк ҳунарини унутмади ва ота-боболари касби билан фахрланарди.

• Тошкент суворовчилар мактабида тарбияланган космонавт-учувчи Владимир Жонибековнинг отаси ҳам ёнгин ўчирувчи бўлган. У ички хизмат подполковниги бўлиб, фамилияси Крисин (Александр Архипович) эди. Ота- боланинг фамилиясидаги бегоналик ўғилнинг муҳаббати боис юзага келди. Яъни келин боланинг падари бузруквори қатъий шарт қўйди:

- Бизнинг фамилиямизга ўтсанг ўтдинг, бўлмаса, ўзинингга бошқа қаллиқ тоғаверасан!

Шундай қилиб ёнгин ўчирувчининг ўғли ота-боболарининг фамилиясидан воз кечди ва аёлиннинг фамилиясига ўтиб, Жонибеков бўлиб қолди.

ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

- Бир пуллик шам дунёни ёндиради.
- Олов сўнса совийди,
Гиёҳ сўлса қурийди.
- Ўт билан ўйнашган ёнар.
- Оловнинг тиши йўқ, хўл-қурукқа иши йўқ.
- Ўт билан ўйнашма, шамол билан муштлашма.
- Олов деган билан оғиз куймайди.
- Ўт билан ўйнашма – ёнарсан, қуён билан қувлашма –
толарсан.
- Кул-ӯчоққа, қўл-товоркқа.
- Кул колдирма, гул қолдир.
- Ўт билан ўйнашмоқ-тентакнинг иши,
- Эл билан ўйнашмоқ-ахмоқнинг иши.
- Кулганга кул сочма.
- Дунё куйса-куйсин, девонанинг кабоби пишсин.
- Гўр куйса куйсин, қозон қайнасин.
- Шаҳар ёнмагунча дарвишнинг кабоби пишмас.
- Косовни ким ушлабди-ӯшанинг қўли куяди.
- Ёнмаса – ўтин ёмон, ёқолмаса – хотин ёмон.
- Ўчори боранинг ҳовузи ҳам бўлсии.
- Тандир қурсанг, ариқ бўйига кур.

ЭХТИЁТ БҮЛИНГ: ОЛОВ-ТИЛСИЗ ЁВ !

Тилимизда ҳазил қоришган койиш бор: «Үйинг күйгүр». Аслида-чи, бу ҳеч ҳазиллашадиган гапмас, уйнинг күйиши катта кулфат. Тилаймизки, уйингиз күймасин, ҳеч қачон күймасин!

Бунинг учун эхтиёт бүлмок лозим ва бу факат үзүнгизга боөлиқ... Маслаҳатлар, тавсиялар, коңдалар билан таништирумок хизмати биздан, уларга амал қылмок мекнати сиздан. Ҳар кандай коңда-албатта фойда.

УЙИНГИЗ КҮЙМАСИН!

Уйингиз ўзга иморатлар билан туташмасин. Бунинг тадоригини пойдевор бошлагандай құриб қўйинг.

Бунинг иложи бүлмаса, қўшни бино билан иккى ўртада калинлиги 1,5 ғишт (35-40 сантиметр) ўлчамда ёнғинга қарши маҳсус девор - брандмауэр бўлсин. Ушбу ихота пойдевордан бошланиб, чордоқдан ўтади ва шифер устига ҳам ярим мётр чиқади. Билингки, бу аланга ўтказмайдиган юв бўлиб, қўшнингизнидаги ёнғиннинг сиз томонга ўтишига йўл қўймайди.

Башарти бундай девор олдин килинмаган бўлса, таъмиirlаётгандан назарга олинг, албатта !

ЭЛЕКТРДАН ҲАЗИР БҮЛИНГ !

Аввало, монтажга алоҳида эътибор беришингиз зарур. Хисоблагич, кабель, розетка, патрон каби керакли барча ашёларнинг энг ишончли ва чидамлисими харид килинг. Бу савдони мутахассис иштирокида амалга оширангиз нур устига аъло нур бўлур эди.

Монтаж кўр-кўрона бўлмасин буюртмани факат мутахассисга бажартиринг!

Чордоқдан оғил, ошхона, бостирма каби ёрдамчи иморатларга кабель ўтказманг!

Кабель яқинига нефть маҳсулотлари, ўтин-чўп, хашак-сомон, чим-латта каби тез ёнувчи нарсаларни қўйманг!

Хунармандлар тайёрлаган ностандарт электр асбобларни хар қанча арzon бўлса ҳам рўзборингизда ишлатманг! «Арзоннинг шўрваси татимас» мақоли ёдингизда турсин!

Шуни ҳам билиб қўйинг: кабель ва бошқа электр ускуналари маълум йиллардан кейин эскиради, хавфли бўлиб колади. Кабелларни ўз муддатида янгиланг, эски буюмларнинг баҳридан ўтинг.

ДИҚҚАТ: ЁНУВЧИ ТЕЛЕВИЗОРЛАР!

Телевизор ток билан ишлайди, унинг аксарият деталлари тез ёнувчи кимёвий материаллардан иборат.

Телевизор билан бирга унинг ҳужжатларини ҳам беришади. Яхшилаб ўқиб кўринг, унда хафсизлик қоидалари ҳам баён этилган. Шуларга амал қилинг!

Ишлаб турган телевизорни назоратсиз қолдирманг. Телевизор тез ёнувчи жисмлар ва иситиш воситалари яқинида турмасин. Ундан факат экрани очик, бошқа тарафлари бекик турадиган тор жойга қўйиб фойдаланманг. Чунки бундай холда турган телевизор тез кизийди, бу эса хавфлидир.

Телевизор устига ёпқич ташламанг, гул ваза қўйманг!

Фойдаланмаётган пайтингизда телевизорни розеткадан узиб қўйсангиз яхши бўлади.

АВТОМОБИЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН!

Ички ёнув двигателининг икки жихатдан ёнғинга мойиллиги бор: ҳам электр, ҳам ёнилғи. Буни унутманг!

Рулда кетаётиб тамаки чекманг, ҳамроҳларингиздан ҳам шунни талаб қилинг!

Машинангиздаги электр тизимини вақти-вақти билан автоэлектрик мутахассис кўригидан ўтказиб туринг!

Ёнилғи бакингизнинг бутунлигини таъминланг, бензин ва солярканинг томчилаб туришига йўл қўйманг! Иложи бори-ча юкхона ва машина салонида ёнилғи олиб юрманг!

Двигателга баклажкадан резина шланг билан ёнилғи узатиш ярамайди. Бу жуда ҳам хавфли.

Автомобилингизда ҳамиша ёнғин үчиргич бўлсин ва созлигини текшириб қўйинг! Аккумуляторингиз доимо созбўлсин!

Машинада калитни қолдирманг, рулни ёш болаларга, хужжати, малакаси йўқ кишиларга топширманг!

Йўлда юрганда очик оловга яқинлашманг, шатакка олинган техникаларни, ёнилғи ташувчи машиналарни кўрсангиз хушёрикни оширинг!

ГУГУРТНИ ЯШИРИНГ!

Рўзғорингизда гугурт сакланадиган маҳсус жой бўлсин!

Гугуртни тандир, ўчок каби очик олов манбалари яқинига қўйманг!

Гугурт орқали олов ёқаётганингизда тез алангаланувчи нефть маҳсулотларидан асло фойдаланманг!

Пиликли ёритгичларга маҳсус керосиндан бўлак ёнилғи, айникса, бензин қўйманг ва гугурт чакканда мутлақо эҳтиёт бўлинг!

Лампа чироқ ва шамни уйқуга ётишдан аввал үчириш зарур!

Болалар ва руҳий хасталар бор хонадон эгалари, гугуртни яширинг!

ПЕЧКА ВА САНДАЛ ИССИҚ, АММО...

Кўмир ва ўтин ёқиладиган печкалар эшиги доимо ёпиқ бўлсин, пол устига албатта тунука қонланг!

Ёқиши чоғида нефть маҳсулотларидан мутлақо фойдаланманг!

Печка ва сандалдан ювилган кийимларни куритиш воситаси ўрнида фойдаланиш ўта хавфлидир!

Печка устига ва сандал ичига гугурт қўйишни одат қилманг!

Кул олганда эҳтиёт бўлинг, уни алоҳида чукурга ташлаб, устидан сув қуиб қўйинг!

Сандал ўтхонасига тўла ёнган лахча холидаги чўғни солинг, тутаётган тараша ёхуд газ таркатаётган кўмирдан заҳарланиш мумкин эканлигини ёдингизда тутинг!

Уйқудан олдин сандал устидаги кўрпани олиб ташланг, сандал ёнида ётиб ухламанг!

Сандални электр токи ёрдамида иситманг! Сандал теварагида ёш болаларни назоратсиз қолдирманг!

ДИҚҚАТ : ГАЗ!

Газўчок ва газўлчагични мутахассис тавсияси билан харид килинг!

Хона ичидағи газ қувурларининг бутун эканлигини текшириб кўринг! Резина шлангда плица ва ўчок, тандирга газ олиб борманг!

Фишт плита ва голланд печкангиз табиий газга уланган бўлса, дераза ойналаридан бирортасини олиб ташланг!

Хоҳ печка, хоҳ ўчокқа ўт ёкишдан аввал хонага газ қамалмаганига ишонч хосил килинг. Агар шубҳали хид сезилса, ҳатто чирокни ҳам ёқманг!

Мабодо газ қамалиб қолган бўлса, дарров эшикдеразани очиб юборинг, ўзингиз зудлик билан ташқарига чикиб кетинг!

Газ ускуналарида носозлик сезишингиз билан «04» рақамли телефонга қўнфироқ қилиб, уста чакиринг, ҳеч қачон ўзингиз тузатишга уринманг!

Яшаётган хонангизни газўчок воситасида мутлақо иситманг! Бу ўта хавфлидир!

Гугурт чақмасдан туриб, газ очиш муруватини бурай кўрманг!

Киши мавсумда тармоқдан газ сўриб оловчи насослардан сира фойдаланманг!

Иситиш қозонингиздан тез-тез хабар олиб туринг! Оилада навбатчилик ташкил қилиб қўйишни тавсия эта-мизки, бундан сизга факат фойда бор, зарар йўқ.

Мўри доимий назоратингизда турсин! Чордокда мўри атрофи мутлақо бўш бўлсин, унинг яқинига тез ёнувчи нарсаларни келтирманг! Мўрини мўркон устасига кўрсатинг, вактида тозалатиб қўйинг!

Тунги пайтда иситиш қозонингиз ўчоғидаги газ босими албатта пасайтиринг!

ХУШЁР БЎЛИНГ!

Ётган жойингизда тамаки чекманг!

Ногиронларни, заиф кексаларни, бешикдаги гўдаклар
хавфсизроқ жойга ётқизинг!

Оталар! Хонадонингиздаги ҳамма нарса учун жавоб
эканингиз ёдингизда бўлсин ва ёнфиндан сақланиш зар
лигини муттасил таъкидлаб туриng, бу борадаги ахво
билиш учун ҳовли-жойларни текшириб қўйинг!

Оналар! Келин-кизларга эҳтиёт лозимлигини қайта-қай
уқтираверинг!

Болалар! Гугурт ўйнаманг, ота-онангизнинг сўзи
чиқманг!

Рахбарлар! Ўзингиз бошқараётган жамоа аъзоларин
хавфсиълиги, давлат ва халқ мулкининг дахлсизлиги уч
масъулдирсиз. Тавсия қиласизки, хатто хафтанинг маър
кунини «Ёнгин хавфсизлиги куни» деб эълон қилил
мумкин.

Бу зарур ҳаётий масала учун хар қанча жонбозлик кү
сатилса, ёнфинга карши курашнинг янги-янги шакллар
топилса, ташаббуслар бошланса арзиди.

Чунки юкоридагиларга амал қилганлар қиймати ўлч
ларга сифмайдиган буюк мукофот оладилар: ДАХЛС
УМР ва ДАХЛСИЗ МУЛК!

Ана шу БАХТ барчангизга муборақ бўлсин!

АФСУСКИ, ЎТ КЕТДИ!

Ваҳимага тушманг, ўзингизни тутинг, совукконли
сақланг!

Қўлингиздан келса, биринчи галда ҳаёти хавф ости
инсонларни куткариш харакатидан бўлинг!

Имкон топиб, дархол «01» га қўнгирик қилинг!

Билинг ва амал қилинг: бу жараёнда сизнинг биринчи
дущманингиз аланга эмас, тутундир, бўғилиб хуш
кетишингиз мумкин...

«01» га қўнгирик қилиб, оловга қарши кураш бол
сангиз, алангани эмас, ёнаётган жисмни ўчиришга урининг!
Бунинг учун унинг устига кигиз ёлиш, кум сочини мумкин

Газ муруватини бураб, ёнилгини бекитинг, электр манбаниннің үчириңг, хоналарга хаво киришини чеклашга ва аланганинг тарқалашини тұхтатишиңг интилинг!

Бинодан чиққач, қайтиб кирманг!

Башарти ёнғин кучайиб, чиқишиң үйлини қуюқ тутун ва алана тұсыб қўйған тақдирда, эшикни маҳкам ёпинг. Сувдан ва намланган латтадан фойдаланиб, эшикнинг алангага карши бардошини оширган бўласиз.

Тутун сиз турган жойга қамалса, полга ётиб олинг, чунки қуйида совуқ ва тоза ҳаво бор, нафас олишингиз осонрок. Хонанинг юқори қисмида эса ҳаво заҳарланган ва кизиб кетган. Буни унутманг!

Албатта, дераза пастига жойлашиңг! Негаки, ёнғин үчираётган қуткарувчилар сизни биринчи галда үша ердан қидирадилар.

Илтимос! Аланга кучайиб кетган тақдирда үчиришга уринманг!

Илтимос! Портлаш ҳавфи бўлса (газ, нефть маҳсулотлари, ёнаётган автомобиль ва бошқалар), зудлик билан ўзингизни пана жойга олинг!

Илтимос! Юқори каватлардан сакрашдан, осилиб тушиидан ўзингизни тұхтатиб туриңг! Чунки бу харакатлар оқибати ёнғин жароҳатидан фожиалироқ бўлиши мумкин.

Кўшнилар, кариндошлар, дўстлар! Ёнғин жойида маҳсус машиналарнинг кириб-чикиши учун шароит яратайлик! Сув манбаларини топишга кўмаклашиңг! Ўт үчираувчиларга ва жабрланувчиларга қўлингиздан келганича ёрдам беринг!

**«01» ХИЗМАТИ
ҲАММА, ҲАММАГА ЎТ БАЛОСИДАН
ОМОНАЛИК ТИЛАЙДИ ВА
ЭҲТИЁТ БЎЛИШИНГИЗНИ СЎРАЙДИ!**

МУНДАРИЖА

Алангали вахтада	3
Самандарга ўхшаш одамлар	4
Оловбардор Прометей.....	6
Геростратнинг бадкорлиги	7
Тухум билан ёнгин ўчириладими?	9
«Ўт ўчурған Иброҳим»	10
Илк қадамлар.....	13
Ислоҳотлар палласи	21
Муродилла Алибоев	24
Шуҳрат Имомов	26
Нефть конидаги фалокат	28
Наманган ёнгин хавфсизлиги хизмати раҳбарлари	33
Аҳмад Азизов	39
Ҳашар	52
Ҳаётий лавҳалар	56
Ёнгин ўчирувчилар хақида	71
Халқ мақоллари.....	72
Эҳтиёт бўлинг: олов-тилсиз ёв	73

Тарихий - оммабоп нашр

Рустамжон УММАТОВ

САМАНДАР

**(Ёнғин ўчирувчилар
ҳаётидан лавҳалар)**

Мұхаррір:

Мусохон Ақмалов

Мұсаввир:

Темур Хасанов

Техник мұхаррір:

Илхом Жұмабоев

Мусақхих:

Абдурахим Шерматов

Саҳифаловчи:

Нодира Жұмабоева

Компьютер оператори:

Хуршид Абдуллаев

2007 йил 14 февралда теришга берилди. 2007 йил
23 апрелда босишиңга рухсат берилди. Бичими 84x 60 1/16,
5.0 шартли босма тобок. Офсет усулида оқ қоғозга босилди.
Буюртма № 18. Адади 2000 Баҳоси келишилгандар харда.

«Наманган» нашириети. Наманган шаҳри, Навоий
кӯчаси, 36-уй.

«Фахризода» кичик корхонаси
(Дўстлик шоҳкӯчаси, 2А уй)да тайёрланди.



Рустамжон УММАТОВ

Республика «Қишлоқ ҳаёти» газетасининг
Фарғона водийси бўйича мухбири ва
«Наманган ҳақиқати»нинг маҳсус мухбири
вазифасида хизмат қиласиди. Унинг
«Зулматда сўнганди зиёлар», «Кўнгил гавҳари»,
«Видо манзили» каби бир неча шеърий ва
насрой китоблари чоп этилган.

